

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

42-сон
(1166)
2024 йил
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

363. «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 17 октябрдаги ЎРҚ-976-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

364. «2024 — 2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида аэрокосмик технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПФ-155-сон Фармони

365. «Рақамлаштириш соҳасида экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПФ-157-сон Фармони

366. «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада тако-миллашибирлиш ва халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги ПФ-158-сон Фармони
367. «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ-358-сон қарори

Бешинчи бўлим

368. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasining 2024-yil 26-sentabrdagi 2024-20-son "Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to'g'risida"gi qarorga qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 14-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3221-6*)
369. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining 2024-yil 11-sentabrdagi 775-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 4-sentabrdagi 171-son, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2024-yil 26-avgustdagi 08/513-son "Tibbiyot muassasalari rahbar xodimlarining mehnatiga haq to'lashda ularni turlarga ajratish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 14-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3560*)
370. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 17 сентябрдаги 460-сон "Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги бўйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2930-1*)
371. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-oktabrdagi 183-son "Tranzit deklaratsiyasini to'ldirish, rasmiylashtirish, unga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish, uni qaytarib olish hamda bekor qilish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 18-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3382-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

363 Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
23 июля қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда
маъқулланган

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-хуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Шу билан бирга янги конституциявий-хуқуқий шароитларда ҳоким ва халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимлари ажратилаётганлиги амалдаги хуқуқий ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқилиши ҳамда такомиллаштирилишини талаб қилмоқда.

Хусусан, худудларни ривожлантириш борасида халқ депутатлари Кенгашларининг ролини янада ошириш талаб этилмоқда, бугунги кун талабларига асосан вакиллик назоратининг янги шаклларини жорий этиш, ҳокимларнинг тегишли Кенгашлар олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтириш борасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш зарур.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ҳокимларнинг ҳамда халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатларини аниқлаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги вилоят, туман, шаҳар ҳокими бир вақтнинг ўзида тегишли худуддаги вакиллик ҳокимиятига бошчилик қилиши ҳақидаги норма чиқариб ташланмоқда. Ҳокимларга тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессиясига масалалар киритиш, зарурат бўлганда Кенгаш сессияси чақирилишини талаб қилиш ва тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид бўлган қарорларини бекор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 19 октябрда эълон қилинган.

Олий Мажлисининг Сенатига ёки судга мурожаат қилиш каби қатор янги ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек халқ депутатлари Кенгашларига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши, у ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга ошириши белгиланмоқда, уни ваколатлари муддати тугагунига қадар лавозимидан озод қилиш тартиби назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларни Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талаб мустаҳкамланмоқда. Бунда ушбу тизимда рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ҳамда ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда.

Ушбу Қонун қонунчиликни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштиришга, жойларда ҳокимиятлар бўлиниши принципини тўлақонли рўёбга чиқаришга ва худудларни бошқаришни ахоли манфаатларига хизмат қилиш принципи асосида йўлга қўйишга хизмат қиласди.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги 746–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонга иловава, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 466-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, № 10, 797-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **5-моддаси саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «ҳисобот»** деган сўз «ахборот» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил,

№ 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570, 577-моддалар, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда, № 10, 794-модда, № 12, 1003-модда) қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 1-модда:

биринчи қисмининг русча матнидаги «Советы народных депутатов» деган сўзлар «Кенгаши народных депутатов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг биринчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимиятга вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қиласди»;

2) 2-модда:

номидаги «вакиллик ва ижроия ҳокимияти» деган сўзлар «**ижро этувчи ҳокимият**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «партия гурухларининг» деган сўзлар «партия гурухларининг (бундан буён матнда партия гурухлари деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли халқ депутатлари Кенгашида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурини тақдим этади»;

учинчи — ўн биринчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўққизинчи — ўн иккинчи қисмлари қўйидаги мазмундаги **тўққизинчи — ўн тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутати этиб сайланиши мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли халқ депутатлари Кенгашида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурини тақдим этади.

Туманга бўйсунадиган шаҳар ҳокими туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳар таркибига киравчи туманлар бундан мустасно) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органлари ни тузиш ваколатига эга бўлиб, бу хусусда қабул қилинган қарор кейинчалик халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ айни бир вилоят, туман, шаҳар ҳокими этиб тайинланиши мумкин эмас.

Ҳокимларнинг ваколатлари муддати — беш йил»;

3) **6-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қиласди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қиласди ва фармойишлар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг хужжатлари Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишининг ягона электрон тизимида (бундан буён матнда Ягона электрон тизим деб юритилади) ишлаб чиқилади, келишилади ва рўйхатдан ўтказилади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган хужжатлар, бундан норматив-хуқуқий тусга эга бўлмаган хужжатлар мустасно, агар шу хужжатнинг ўзида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг норматив-хуқуқий тусдаги хужжатлари, агар хужжатларнинг ўзида кечроқ муддат қўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг Ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказилмаган хужжатлари тегишли ижтимоӣ муносабатларни хуқуқий жихатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва хуқуқий оқибатларга олиб келмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган хужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир»;

4) **7-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекциясининг хulosасига кўра яроқсиз деб топилган давлат кўчмас мулк объектларини бузиб ташлаш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиш хуқуқига эга»;

5) **10-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ер участкаларини доимий фойдаланишга беришга ҳақли»;

6) **IV бобнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**IV боб. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари**»;

7) **16-модда:**

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари муддати — беш йил»; **иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансан;

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида жорий этилган фавқулодда ҳолат амал қилишининг бутун муддати ичida халқ депутатлари Кенгашларига сайловлар ўтказилмайди»;

8) қўйидаги мазмундаги **16¹ — 16⁴-моддалар** билан тўлдирилсан:

«16¹-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг раиси

Халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан сайланадиган раис бошчилик килади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас.

Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ айни бир вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

Халқ депутатлари Кенгashi раиси Кенгашнинг ваколатлари муддатига сайланади.

Халқ депутатлари Кенгashi раиси ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради, шунингдек доимий ва бошқа комиссиялар, партия гурухлари таркибига кириши мумкин эмас.

16²-модда. Халқ депутатлари Кенгashi раисининг ваколатлари

Халқ депутатлари Кенгashi раиси:

халқ депутатлари Кенгashi сессиясига кўриб чиқиш учун киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарликни амалга оширади;

халқ депутатлари Кенгashi сессиясига раислик қилади ва Кенгаш сессиясининг ишини ташкил этади;

халқ депутатлари Кенгashi Котибияти мудири ва ходимларини лавозимга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

Кенгаш Котибиятига халқ депутатлари Кенгashi ишини ташкил этиш бўйича топшириқлар беради, Котибият ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини ва Кенгаш сессияси баённомаларини имзолайди, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

халқ депутатлари Кенгашининг сессиясини, шу жумладан навбатдан ташқари сессиясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил этади, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади;

халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари ишини мувофиқлаштириб боради;

халқ депутатлари Кенгashi мухокамасига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг мутахассислари ҳамда экспертларини жалб этади;

депутатларга ўз ваколатларини амалга оширишда кўмаклашади;
халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш чораларини кўради;
халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини ташкил этади;
ушбу Қонунда ва бошқа қонун хужжатларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширади.

16³-модда. Халқ депутатлари Кенгаши раисини сайлаш

Халқ депутатлари Кенгашининг биринчи сессияси халқ депутатлари Кенгаши раисини сайлашдан бошланади.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини сайлаш учун депутатлар орасидан халқ депутатлари Кенгашига сайловда иштирок этган ҳар бир сиёсий партия депутатларидан иборат сиёсий партиялар вакиллари гурухи ташкил этилади. Сиёсий партиялар вакиллари гурухининг таркиби тўғрисидаги қарор депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сиёсий партиялар вакиллари гурухининг мажлисида халқ депутатлари Кенгашига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиянинг вакили раислик қиласи.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимига номзодлар сиёсий партиялар вакиллари гурухининг тавсияси асосида депутатлар орасидан шакллантирилади.

Айни бир шахс бир вақтнинг ўзида бошқа вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг раиси этиб сайланниши мумкин эмас.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимига номзод, агар у овоз бериш натижасида Кенгаш депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади, уни халқ депутатлари Кенгаши сессиясида раислик қилувчи имзолайди.

16⁴-модда. Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш

Халқ депутатлари Кенгаши раиси овоз бериш орқали Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Кенгаш қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Кенгаш депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмидан иборат депутатлар гурухининг таклифига биноан Кенгаш томонидан кўриб чиқилади.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганда сессияда Кенгашнинг доимий комиссиялари раисларидан бири раислик қиласи.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод

қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарор сессияда раислик қилувчи томонидан имзоланади»;

9) 17-модданинг:

биринчи ва иккинчи қисмлари қўйидаги мазмундаги **биринчи — тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятининг ташкилий шакли унинг сессиялариридир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли Кенгашнинг фаолиятни жамоатчилик асосида амалга оширадиган раиси, у йўқлигига эса тегишли Кенгашга сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиядан илгари сурилган депутатлар томонидан ташкил этилган партия гурухи раҳбари томонидан, заруратга қараб, ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Сессия халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига ёки ҳокимнинг таклифига биноан ҳам чақирилиши мумкин. Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишидан камида уч кун олдин хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичидаги чақирилади. Кенгашнинг биринчи сессиясини тегишли худудий, туман, шаҳар сайлов комиссияси раиси очиб беради ҳамда у Кенгаш раиси сайлангунига қадар сессияда раислик қиласди.

Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида раис, у йўқлигига эса тегишли Кенгашга сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиядан илгари сурилган депутатлар томонидан ташкил этилган партия гурухи раҳбари раислик қиласди. Агар бир нечта сиёсий партия тенг микдордаги энг кўп депутатлик ўринларини эгалласа, уларнинг ўзаро келишувига кўра тегишли партиянинг раҳбари раислик қиласди.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ўтказилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Кенгашнинг органлари тузилади»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансан; қўйидаги мазмундаги **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Электрон овоз бериш тизимлари ўрнатилган залларда очик ёки яширин овоз бериш электрон овоз бериш тизимидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Депутат ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади»;

10) 18-модданинг матни қўйидаги таҳrirда баён этилсан:

«Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни кўриб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаш органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш, Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш, Кенгаш текширувани ўтказиш, депутатлар сўровларини юбориш, қарорлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, овоз бериш, қарорларни ўқиб эшиттириш, сессияга таклиф этилган шахслар сонини аниqlаш тарти-

би, шунингдек депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг регламентига мувоғиқ белгиланади»;

11) **19-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари Кенгashi қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, шунингдек ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш учун халқ депутатлари Кенгashi ўз ваколатлари муддатига доимий ва муваққат комиссиялар тузади.

Халқ депутатлари Кенгашларида, қоида тариқасида, қўйидаги доимий комиссиялар тузилади:

маҳаллий бюджет, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотлар бўйича;

коррупцияга қарши курашиш, давлат органларида очиқликни таъминлаш ва хуқуқий масалалар бўйича;

ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича;

аграр, қурилиш, коммунал соҳалар, экология, саноат ва транспорт масалалари бўйича;

регламент ва депутатлик одоб-ахлоқи масалалари бўйича.

Халқ депутатлари Кенгашида муваққат комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Комиссиялар тўғрисидаги низомлар тегишли халқ депутатлари Кенгashi томонидан тасдиқланади»;

12) қўйидаги мазмундаги **19¹-модда** билан тўлдирилсин:

«19¹-модда. Халқ депутатлари Кенгashi доимий ва муваққат комиссияларининг ваколатлари

Халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари:

ўз ташаббусига кўра ёки Кенгашнинг топшириғига биноан Кенгаш қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади;

фаолият йўналиши доирасида ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

халқ депутатлари Кенгashi қарорлари лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқади ва уларни Кенгash сессиясида кўриб чиқиш учун тайёрлайди;

халқ депутатлари Кенгashi қарорларининг лойиҳалари юзасидан хулосалар беради;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетлари лойиҳалари юзасидан хулосалар ҳамда таклифлар беради;

халқ депутатлари Кенгашининг тавсиясига кўра бюджет маблағларининг

мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши ҳолатини ўрганади;

ишли гурухлар тузади, уларнинг таркибига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакилларини, мутахассислар ва олимларни жалб этади;

тегишли ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотларидан, мансабдор шахслардан маълумотларни ва эксперт хуносаларини, шунингдек бошқа ахборотни талаб қилиб олади;

тегишли ҳудудда қонун хужжатларининг ва ҳалқ депутатлари Кенгаши қарорларининг давлат органлари томонидан ижро этилиш ҳолатини, ҳукуқнинг қўлланилиш амалиётини жойларга чиқкан ҳолда ўрганади;

норматив-ҳукуқий хужжатларни, ҳалқ депутатлари Кенгаши қарорларини тарғиб этиш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Доимий ва муваққат комиссиялар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

13) 20-модданинг:

бешинчи қисми қўйидаги мазмундаги **бешинчи ва олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг мудири тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан Кенгаш раиси томонидан тайинланади ва доимий асосда фаолият юритади.

Ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибиятининг мудири ўз ваколатлари даврида илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуфулланиши мумкин эмас»;

олтинчи ва еттинчи қисмлари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

14) IV боб қўйидаги мазмундаги **20¹-модда** билан тўлдирилсин:

«20¹-модда. Ҳалқ депутатлари Кенгашларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлиги

Ҳалқ депутатлари Кенгашлари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади, қонунчилик хужжатларига мувофиқ уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Ҳалқ депутатлари Кенгашлари ҳудудий дастурларнинг, Кенгаш қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиши масалалари юзасидан, шунингдек уларнинг ижроси устидан назорат борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни амалга оширади»;

15) V бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«V боб. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари.
Ҳокимларнинг ваколатлари»;**

16) 21-модданинг:

ўзбекча матнининг номидаги «ижроия» деган сўз «ижро этувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимиятга вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади ҳамда ўзи раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва ҳаракатлари учун шахсан жавобгар бўлади.

Ҳоким Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган миқдорда биринчи ўринbosарга ва ўринbosарларга эга бўлади»;

иккинчи — олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансан; 17) қўйидаги мазмундаги **21¹-модда** билан тўлдирилсин:

«21¹-модда. Ҳокимларнинг ваколатлари

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Олий Мажлис палаталарининг қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг, юкори турувчи ҳокимларнинг ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини ижро этади;

ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятиликка қарши курашиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш ва соғлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий оғатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда ишларни ташкил этади;

вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ҳамда шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини бюджет сўровини тузиш учун кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

вилоят, туман, шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туман ва шаҳар бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисботни халқ депутатлари Кенгашига тақдим этади;

халқ депутатлари Кенгашлари сессияларига кўриб чиқиш учун масалалар киритади, зарур ҳолларда Кенгаш сессиясини чакириш тўғрисида Кенгашга таклиф киритади;

халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида иштирок этади;

тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-

иктисодий ривожланишининг энг мухим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади;

ўз ўринбосарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдигига тақдим этади;

ҳокимлик аппарати бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлади ва лавозимидан озод этади;

қўйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини (бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши учун асос бўлган қарорлар мустасно), агар улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига қўйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

ижро этувчи ҳокимият органлари таркиби бўлинмаларининг ишини назорат қиласди;

халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид қарорларини қайта кўриб чиқиши тўғрисида тегишли халқ депутатлари Кенгашига тақдимнома киритади, бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган қарорлар мустасно;

тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид қарорларини бекор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ёки судга мурожаат қиласди;

халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг ҳужжатларини бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади ва таклифлар киритади;

республикада ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш юритади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил этади, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига:

навбатдаги йил учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини кўриб чиқиши ҳамда тегишли хулоса тақдим этиш учун;

ўтган молия йили учун вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ҳамда баҳолаш учун юборади.

Ҳоким қонунчиликда ўз ваколатлари жумласига киритилган режалаштириш, бюджет, молия, ҳисобга олиш, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш ҳамда мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ердан

ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алока, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ҳамда хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш каби бошқа масалаларни ҳам ҳал этади»;

18) 22 ва 23-моддалар қуйидаги таҳrirда баён этилсин:

«22-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмаси ва штатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг тузилмаси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмаси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмаси ва штатлари ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари аппаратининг тузилмаси ва штатлари тегишли ҳоким томонидан вилоят, туман, шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий тузилмаси ва штатлари эса юқори турувчи ҳоким томонидан белгилаб қўйилади. Қорақалпоғистон Республикасида туман ва шаҳар ҳокимлиги аппаратининг намунавий тузилмаси ва штатлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан белгиланади.

23-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш

Агар қонунчиликда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, ижро этувчи ҳокимият таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари республика ижро этувчи ҳокимиятининг юқори турувчи органлари билан келишилган ҳолда ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Агар қонунчиликда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, туманга бўйсунадиган шаҳар ижро этувчи ҳокимият таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари республика ижро этувчи ҳокимиятининг юқори турувчи органлари билан келишилган ҳолда

тегишли ҳоким томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади»;

19) **VI бобнинг номи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**VI боб. Халқ депутатлари кенгашларининг ваколатлари**»;

20) **24-модда:**

биринчи қисмининг:

иккинчи ва учинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режасини ҳамда уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларини, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш, уларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш»;

қўйидаги мазмундаги **ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Халқ қабулхоналарининг тегишли ҳудуддаги давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари фаолияти ҳамда мурожаатлар билан ишлаш ҳолати тўғрисидаги ахборотини ҳар чорақда эшитиш;

ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этишга кўмаклашиш, ёш авлоднинг истеъоди ва қобилиятини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чораларини кўришга қаратилган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги худудий раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар олти ойда эшитиш»;

ўнинчи — йигирма биринчи хатбошилари тегишинча **ўн иккинчи — йигирма учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

ўн учинчи хатбошисидаги «бошқа» деган сўз «муваққат» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«зарурат бўлганда ижро этувчи ҳокимият бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини, шу жумладан қонунларга риоя этилиши, тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг ва доимий комиссиялар тавсияларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш;

тегишли прокурорларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитиш»;

йигирма биринчи, йигирма иккинчи ва йигирма учинчи хатбошилари қўйидаги мазмундаги **йигирма биринчи — йигирма тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш, Кенгаш

текшируванинің үтказиш, депутат сўровларини юбориш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ҳокимнинг халк депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид қарорларини қайта кўриб чиқиши тўғрисидаги тақдимномасига асосан Кенгаш қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш;

ҳокимнинг ва қуи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бўлмаган қарорларини бекор қилиш;

ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимликнинг тузилмасини, штатларини ва унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш фондини тасдиқлаш киради»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари қўйидаги мазмундаги **иккичи қисм** билан алмаштирилсиз:

«Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари:

тегишли вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

жисмоний ва юридик шахсларга тегишинча мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтингча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини ёки уларнинг қисмларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва олиб қўйилган ер участкаларида жойлашган кўчмас мулк обьектларини қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда бузиб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) минтақавий вакилининг инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати тўғрисидаги маърузасини ҳар йили эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) минтақавий вакилининг тегишли ҳудудда бола ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати тўғрисидаги маърузасини ҳар йили эшитади;

тегишли ҳудудда маҳаллий аҳамиятга молик монументал ёдгорликларни қонунчиликда белгиланган тартибда ўрнатиш ва бузиш (кўчириш) тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўз ваколатлари жумласига киритилган бошқа ташкилий масалаларни ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ назорат қилишга доир масалаларни ҳал этади»;

21) **25-модда** чиқариб ташлансин;

22) **25¹-модданинг:**

иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботи тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ҳамда жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқти-

содий ривожлантириш дастурининг энг мухим устувор йўналишларига бағишлиган сессиясида эшитилади. Мазкур сессия вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан кейин ўн қундан кечиктирмай, туманлар ва шахарларда эса вилоятларда ва Тошкент шаҳрида тегишли мажлислар ўтказилганидан кейин ўн қундан кечиктирмай ўтказилади»;

еттинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини мухокама қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, шунингдек халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессияларида берилган баҳолар ҳамда белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади»;

23) 25²-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаларининг, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳар чоракда, жамоат хавфсизлиги тўғрисида эса ҳар олти ойда тегишинча халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида, шунингдек жамоат хавфсизлиги тўғрисида ҳар чоракда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш чофида танқидий жихатдан мухокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади»;

24) 25³-модданинг:

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳудудий адлия бошқармаларининг бошлиқлари ҳар йили тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига жойлардаги норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқий тарифот ва маърифатнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади»;

учинчи қисмидаги «ҳар чоракда» деган сўзлар «ҳар олти ойда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) 25⁴-модда чиқариб ташлансин;

26) VI боб қўйидаги мазмундаги **25⁶, 25⁷** ва **25⁸-моддалар** билан тўлдирилсин:

«25⁶-модда. Кенгаш сўрови

Халқ депутатлари Кенгаши тегишли худудда жойлашган давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслариiga қонунларнинг, ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан Кенгаш сўровини юборишга ҳақли.

Кенгаш сўрови тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирав ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятга таалкуқли бўлиши мумкин эмас.

Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги таклиф Кенгашнинг депутатлари, доимий ва муваққат комиссиялари, партия гурухларининг ташаббуси асосида Кенгаш сессиясида кўриб чиқилади.

Кенгаш сўровининг ташаббускорлари томонидан Кенгаш сўрови лойихаси тайёрланиб, у Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш учун Кенгаш раисига юборилади.

Кенгаш сўрови лойихасига уни асослантирувчи зарур материаллар илова қилинади. Кенгаш сўрови лойихасида сўровга жавоб беришнинг шакли (офзаки ёки ёзма) тўғрисидаги талаблар бўлиши керак.

Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги қарор Кенгаш депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Давлат органларининг мансабдор шахслари Кенгаш сўровига оғзаки жавобни Кенгаш томонидан белгиланган муддатда Кенгаш сессиясида беради.

Давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари Кенгашнинг сўровига ёзма жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши керак.

Кенгаш сўровига жавобда сўровда кўйилган масалаларнинг ҳар бири бўйича аниқ ва батафсил асослантирилган маълумотлар очиб берилиши керак.

Кенгашнинг сўровига жавоб сўров ўз номига юборилган мансабдор шахс ёки унинг вазифаларини вактинча бажараётган шахс томонидан имзоланади.

Кенгаш сўровига ёзма жавоб Кенгашнинг сессиясида раислик қилувчи томонидан ўқиб эшиттирилади. Ёзма жавобнинг кўчирма нусхалари жавоб Кенгашнинг сессиясида ўқиб эшиттирилгунига қадар депутатларга юборилади.

Кенгаш сўровларига жавоблар Кенгаш сессиясида муҳокама қилинади ва унинг якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинади.

25⁷-модда. Кенгаш текшируви

Кенгаш текшируви тегишли ҳудуднинг хавфсизлигига, барқарор ривожланиш асосларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид соладиган фактлар ҳамда воқеаларни ўрганиш мақсадида ўтказилиши мумкин.

Кенгаш текшируванинің ўтказиши тұғрисидегі Кенгаш қарори депутатлар умумий сонининг күпчилик овози билан қабул қилинади.

Тезкор-қидируд фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суроштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидегі мөйеян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш хамда нотариал иш юритишнинг мөйеян материалларини күриб чиқыши билан боғлиқ фаолият Кенгаш текшируванинг объекті бўлиши мумкин эмас.

25⁸-модда. Кенгаш текшируванинің ўтказиши бўйича комиссия

Кенгаш текшируванинің ўтказиши учун Кенгаш депутатлари орасидан Кенгаш текшируванинің ўтказиши бўйича комиссия тузилади.

Комиссия Кенгаш текшируванинің ўтказишида қўйидагиларга ҳақли:

давлат органлари ва ташкилотларининг вакилларини, мутахассисларни, эксперталарни комиссия ишига жалб этишга;

давлат органлари ва ташкилотларидан, жисмоний ва юридик шахслардан зарур маълумотларни сўраб олишга;

давлат органлари ва ташкилотларининг, нодавлат ташкилотларнинг мансабдор шахсларини, шунингдек фуқароларни тушунтиришлар бериш учун таклиф қилишга.

Кенгаш текшируви натижаларига кўра комиссиянинг якуний ҳисоботи тайёрланиб, у Кенгаш сессиясида кўриб чиқыши учун Кенгашга киритилади»;

27) 26-модданинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қонунчилик нормаларига мувофиқ бўлмаган қарорлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан бекор қилинади.

Ҳоким халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид қарорини қайта кўриб чиқыши тұғрисида Кенгашга тегишли тақдимнома киритади, бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши учун асос бўлган қарорлар мустасно. Кенгаш ҳокимнинг тақдимномасини бир ойлик муддатда кўриб чиқиб, Кенгаш қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш тұғрисида қарор қабул қиласи. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгashi томонидан ҳокимнинг тақдимномаси қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳоким Кенгашнинг тегишли қарорини бекор қилиш тұғрисида юқори турувчи Кенгашга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ёки судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан бекор қилинган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қарорлари ўзининг амал қилишини тугатади.

Ҳокимларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тұхтатилади ёки бекор қилинади.

Ҳокимларнинг қонунчиликка, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат манбаатларига зид бўлган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тұхтатилади ёки бекор қилинади, бундан хусусий мулк ҳуқуқининг, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши учун асос бўлган ҳужжатлар мустасно»;

28) қуидаги мазмундаги **26¹-модда** билан тұлдирилсін:

«26¹-модда. Мәхаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятины чеклаш

Ўзбекистон Республикаси Президенттінің фавқулодда ҳолатни жорий этиш түғрисидегі фармонида фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда фавқулодда ҳолаттінг амал қилиш даврида мәхаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколаттарини тұлық ёки қисман тұхтатыб туриш назарда тутилиши мүмкін».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қи-линган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депу-татининг мақоми түғрисида»ғи 706-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлисінинг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотнома-си, 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 588-модда; 2020 йил, № 8, 488-модда, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонға илова; 2022 йил, № 6, 574-модда) **12-моддасининг еттинчи қисмидагы** «Қонунчилік пала-тасига» деган сўзлар «Сенатига» деган сўз билан алмаштирилсін.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелда қабул қи-линган «Норматив-хуқуқий ҳужжатлар түғрисида»ғи ЎРҚ-682-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахбо-ротномаси, 2021 йил, № 4, 288-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 8, 788-модда, № 10, 983-модда; 2023 йил, № 8, 629-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) қуидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсін:

1) **36-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** қуидаги мазмундаги саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан алмаштирилсін:
«халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларига нисбатан — тегишли халқ депутатлари Кенгаши раиси;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг қарорларига нисбатан — тегишли ҳоким томонидан имзолаш орқали амалга оширилади»;

2) **39-модданинг тўртинчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси қо-нунчилік маълумотлари миллий базаси» деган сўзлардан кейин «Мәхаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизими» деган сўзлар билан тұлди-рилсін.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирылсін;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўл-ган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижро чиларга етказилишини ҳамда мохияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 1-банди тўртинчи хатбоиси, 2-банди бешинчи, тўққизинчи ва ўн иккинчи хатбошилари, 8 ва 9-бандлари:

вилоятлардаги, шунингдек Тошкент шаҳридаги давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро этувчи органларига нисбатан — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳалқ депутатлари Кенгашлари депутатларининг навбатдаги сайлови яқунлари бўйича;

туман, шаҳар давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ижро этувчи органларига нисбатан — 2026 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 17 октябрь,
ЎРК-976-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

364 2024 — 2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида аэро- космик технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Космик тадқиқотлар соҳасини янада ривожлантириш ва аэрокосмик технологияларни жорий этиш орқали иқтисодиёт тармоқларидағи муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида:

1. 2024 — 2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларидағи муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича самарадорликни ошириш учун қўйидагилар давлат космик мониторингининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши ва бундай ер участкаларида бино ва иншоотлар қурилиши ҳолатларини аниқлаш;

ўрмон билан қопланган майдонларнинг чегараларини белгилаш ва уларнинг ҳолатини мониторинг қилиш;

геология соҳасида ер қаъридан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, фойдалари қазилмалар жойлашган майдонлардан асоссиз равишда ва бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш;

мавжуд чиқиндиларни сақлаш жойларида белгиланган ҳудуддан ташқарига чиқиш ҳолатларини, янги пайдо бўлган ноқонуний чиқинди зоналарини аниқлаш;

сув омборларининг лойқа оқизиқлар билан тўлиб боришини, сув сатҳи режими мониторинг қилиш;

кишлөк хўжалиги экин ерларидан самараали фойдаланилишини ўрганиш, экинларнинг турлари ҳамда сув истеъмоли ҳажмларини аниқлаш.

2. Қўйидагилар:

2024 — 2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида давлат космик мониторингини амалга ошириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага** мувофиқ;

2024 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг космик соҳасини ривожлантириш бўйича «йўл ҳаритаси» 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Дастур доирасида қўйидаги мақсадли қўрсаткичларга эришилиши назарда тутилади:

сув сатҳи режими мониторинги амалга ошириладиган сув омборларининг сонини 50 тага етказиш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 14 октябрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кишлөк хўжалиги экин ерлари кесимида экин ерларидан фойдаланишнинг жорий ҳолатини, экинларнинг турларини ҳамда ҳақиқатда экин экилган майдонларини тўлиқ қамраб олиш;

ер қаъридан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, фойдали қазилмалар жойлашган майдонлардан асоссиз ва бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ишлари билан республиканинг барча ҳудудларини қамраб олиш;

ўрмон билан қопланган барча майдонларнинг чегараларини белгилаш.

4. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринда — «Ўзбеккосмос» агентлиги) ҳамда Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази (кейинги ўринларда — Марказ) 2025 йил 1 майга қадар давлат космик мониторинги доирасида аниқланган барча маълумотлар «Space Gov Monitoring» марказлашган ягона платформасида (кейинги ўринларда — SGM платформаси) юритилиши ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар учун соҳавий тегишлилиги бўйича суб-платформалар яратилишини таъминласин.

5. Белгилансинки:

2025 йил 1 мартдан бошлаб ер қаъридан фойдаланиш бўйича масофавий мониторинг ва риск-тахлил «Геомониторинг» ахборот тизими ҳамда SGM платформаси орқали амалга оширилади;

«Геомониторинг» ахборот тизимини ишлаб чиқиш, техник қўллаб-қувватлаш ва келгусида ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳисобидан молиялаштирилади.

«Ўзбеккосмос» агентлиги Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан биргаликда 2024 йил якунига қадар республикадаги барча 2 573 та норуда фойдали қазилма конларида ҳақиқатда қазилган ҳажмни аниқлашни йўлга қўйиш мақсадида конларнинг ракамли топохаритасини яратсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг бюджетдан ташқари Космик тармоқни ривожлантириш жамғармаси негизида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг бюджетдан ташқари Космик тармоқни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ва қуидагилар уни молиялаштиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

космик фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишдан тушадиган маблағлар;

иқтисодиёт тармоқларида аниқланган хукуқбузарликлар учун ундирилдиган жарималар ва заарларни ундиришдан тушадиган маблағлар;

Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

«Ўзбеккосмос» агентлиги устав фондида улуси бўлган корхоналардан олинадиган дивиденклар.

7. 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувафиқ, вазирлик ва идоралар давлат космик мониторинги доирасида аниқлаган хукуқбузарликлар бўйича ундирилган жарималарнинг 10 фоизи Жамғармага йўналтирилади.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги ва «Ўзбеккосмос» агентлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) «Ўзбеккосмос» агентлиги марказий аппарати тузилмасида:

«Ўзбеккосмос» агентлиги директорининг икки нафар ўринбосарлари ла-возимларини киритиш;

«Ўзбеккосмос» агентлиги директорига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қўшимча штат бирликларини киритиш ваколатини бериш;

б) Марказга 2027 йилга қадар тур сертификатга эга бўлишидан қатъи назар максимал учиш вазни 200 килограммдан ошмаган учувчисиз учиш аппаратларини ҳамда уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини харид қилиш, республика ҳудудига олиб кириш, сақлаш ҳамда улардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатишига рухсат бериш.

9. Белгилансинки, 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб аэро ва космик суратлар ҳамда уларнинг ҳосилаларидан фойдаланиш ва тарқатиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

фазовий ўлчам аниқлиги 0,5 — 1 метр/пикселгача бўлган суратлар ва уларнинг ҳосилалари суратга олинган вақтдан бошлаб 5 кун ичida «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» грифи асосида, 5 кун ўтгандан кейин эса очиқ;

фазовий ўлчам аниқлиги 1 метр/пикセル вадаундан ортиқ бўлган суратлар ва уларнинг ҳосилалари ўта муҳим, режимли ва ҳарбий обьектларни акс эттиришидан қатъи назар назорат кўригидан ўтказилмайди ва очиқ фойдаланилади.

10. Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзбеккосмос» агентлигининг буюртмаларига биноан жалб этиладиган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик йиғимлари ёки ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимларни ундирамасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсанки, унга мувофиқ «Ўзбеккосмос» агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котибияти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг молиялаштириш манбаи аниқ белгиланмаган буюртмаларини бажаришда, буюртмалар билан боғлиқ харажатларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат космик мониторингини амалга ошириш дастури доирасида ажратилган маблағларнинг иқтисад қилинган қисмидан қайта тақсимлаш орқали молиялаштиришга рухсат берилади.

Бунда, Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар етарли бўлмаган тақдирда, ушбу буюртмалар билан боғлиқ харажатлар буюртма берувчи органнинг ёки космик мониторинг амалга оширилаётган соҳага масъул бўлган ижро этувчи ҳокимият органининг бюджетдан ташқари маблағлари ва (ёки) тармоқ корхоналар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республи-

каси Ҳукуматининг айрим хужжатларига З-иловага* мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ракамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлашириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 14 октябрь,
ПФ-155-сон

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

365 Рақамлаштириш соҳасида экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда масофавий ҳамда ИТ-хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун қўшимча шароитлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-37-сон Фармони билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда — ИТ-парк) резидентларига қўйидаги қўшимча фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатишга рухсат берилади:

ахборот технологиялари соҳасида ташкил этиладиган таълим хизмати доирасида, ушбу хизматдан йиллик умумий даромадининг 40 фоизидан ошмаган ҳолда, инглиз тили билан бир қаторда бошқа хорижий тилларни ҳам ўқитиши;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ахборот хизматларини (бизнес-жараёнлари аутсорсинги) экспорт қилиш фаолияти доирасида, ушбу хизматдан йиллик умумий даромадининг 40 фоизидан ошмаган ҳолда, бизнес-жараёнлар аутсорсинги йўналиши бўйича таълим фаолиятини амалга ошириш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали билим жараёнлари аутсорсинги (Knowledge Process Outsourcing) хизматларини хорижий давлатларга экспорт қилиш.

2. Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг қўйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) 2025 йил 1 февралдан бошлаб 2030 йил 1 январга қадар экспорт хизматлари ҳажми календарь йил давомида 10 миллион АҚШ долларидан ошган ИТ-парк резидентларига ахборот технологиялари соҳасидаги хизматларини (шу жумладан, роялти тўланадиган) кўрсатган, Ўзбекистон Республикаси билан иккىёклама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузилмаган давлатларнинг юридик шахсларини ушбу календарь йил якунига қадар фойда солиғидан озод этиш;

б) 2025 йил 1 февралдан бошлаб 2040 йил 1 январга қадар жами даромади таркибида экспорти ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган ИТ-парк резидентларининг таъсисчилари (иштирокчилари) — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг дивиденdlар тар-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 17 октябрда эълон қилинган.

зидаги даромадларига Ўзбекистон Республикасининг резидентлари сингари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда фойда солифининг 5 фоиз ставкасини татбиқ этиш;

в) 2028 йил 1 январдан бошлаб 2040 йил 1 январга қадар қўйидаги мезонлардан бирига тўғри келадиган IT-парк резидентлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон Фармонида назарда тутилган солик ва божхона имтиёзларини узайтириш (қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно):

календаръ йил давомида жами даромади таркибида IT-парк резидентлари томонидан амалга оширишга рухсат этилган фаолият турлари бўйича экспорти ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахслар;

календаръ йил давомида ўн саккиз ёшдан ошган битирувчиларининг 50 фоиздан ортиқ қисми IT-парк резиденти бўлган экспортчи корхоналарга ишга жойлашган IT-таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Солик қўмитаси ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги мазкур банддан келиб чиқиб, 2025 йил 1 январга қадар Солик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи конун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилаб қўйилсанки, 2025 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар тажриба-синов тариқасида IT-парк резидентларига қўйидаги барча шартлар бажарилган ҳолларда корпоратив банк карталари орқали реклама хизматлари учун тўловларни амалга оширишга рухсат этилади:

100 миллиондан ортиқ аудиторияга эга Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги хорижий ахборот ресурслари ва тизимлари (шу жумладан, вебсайтлар, платформалараро ресурслар, ижтимоий тармоқлар ва мессенджерлар) реклама хизматларидан фойдаланилганда;

календаръ йил давомида экспорт тушумларининг 10 фоизи доирасида, бирор 100 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган миқдорда;

реклама хизматлари бўйича тўловлар ҳақидаги маълумотлар Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимиға киритилган тақдирда.

Белгилансинки, мазкур бандда назарда тутилган тажриба-синов натижалари асосида корпоратив банк карталари орқали реклама хизматлари учун тўловларнинг рухсат этиладиган юқори миқдорлари келгусида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида белгилаб борилади.

4. Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2025 йил 1 апрелдан бошлаб олий таълим муассасаларининг ахборот технологиялари соҳасидаги фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлган хорижлик профессор-ўқитувчилари, шунингдек, IT-парк резиденти мақомини олган юридик шахснинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи жисмоний шахс ёки коллегиал ижро этувчи органининг раиси ҳамда уларнинг ўринбосарларига ҳам «IT-visa» бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Белгилансинки, рақамлаштириш соҳасидаги экспорт фаолияти билан шуғулланувчи шахслар фаолиятини ривожлантиришнинг яхлит тизимини яратиш мақсадида 2028 йил 1 январга қадар Рақамли технологиялар соҳасида ўзини ўзи банд қилган шахсларни қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилади.

Бунда Дастур иштирокчиларига ИТ-парк резиденти мақоми берилади ва улар томонидан кўрсатилган тегишли хизматлар ҳажмидан келиб чиқиб:

замонавий офислар, коворкинг марказлари, спорт мажмуалари, тиббиёт ва таълим хизматларидан фойдаланиш харажатларининг бир қисми қоплаб берилади ёхуд улар бўйича ҳамкорлик дастурлари асосида чегирмалар тақдим этилади;

худудларда ташкил этилаётган «ИТ-шаҳарча»лар коворкинг майдонларидан бепул фойдаланиш имконияти яратилади ҳамда ҳуқуқий маслаҳат хизматлари кўрсатилади;

профессионал кўнкималарни ривожлантириш учун халқаро нуфузли платформаларда имтиёзли шартларда таълим олиш учун шароитлар яратилади;

тажриба алмашиш, ижтимоий ва бизнес алоқаларни ривожлантириш мақсадида учрашув, форум ва бошқа тадбирлар ўтказиб борилади.

6. Рақамли технологиялар соҳасидаги хизматлар экспортини ошириш ва мамлакатимизга ушбу соҳадаги хорижий компанияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қўйидагилар Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) томонидан Рақамли технологиялар вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси таклифлари асосида тасдиқланади:

мазкур Фармоннинг 3-бандида кўзда тутилган 100 миллиондан ортиқ аудиторияга эга бўлган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги хорижий ахборот ресурслари ва тизимлари рўйхати;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 февралдаги «Мамлакатимизда рақамлаштириш соҳасидаги хизматлар экспортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-87-сон қарорининг 9-банди «в» кичик бандида назарда тутилган продюсерлик, реклама, репортаж ва бошқа роликларни тайёрлаш ҳамда трансляция қилиш хизматларини кўрсатувчи чет эл компаниялари (шу жумладан, ижтимоий тармоқлар), хорижий телерадиокомпаниялар ва бошқа оммавий ахборот воситалари, шунингдек, чет элда тадбирлар (кўргазмалар, анжуманлар, давра сұхбатлари ва семинарлар) ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш хизматларини кўрсатувчи хорижий компаниялар рўйхатлари;

б) ИТ соҳасидаги корхоналар фаолиятини ривожлантириш бўйича дастурлар ва лойиҳалар асосида кўрсатилган қўллаб-қувватлаш чоралари юзасидан

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

маълумотлар (ташкилотлар кесимида) 2025 йил 1 январдан бошлаб Рақамли технологиялар вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади;

в) IT-парк резидентлари учун имтиёзлар тўғри қўлланишини таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб бориш мақсадида 2027 йил 1 июня қадар:

Рақамли технологиялар вазирлиги мавжуд платформаларда IT-таълим хизматини кўрсатувчи IT-парк резидентларида таҳсил олиб, ўкув курсларини тамомлаган ҳамда IT-парк резиденти бўлган экспортчи корхоналарга ишга жойлашган битирувчилар реестри юритилишини ташкил қиласди;

Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан ушбу платформа солик орнларининг ахборот тизимига интеграция қилинади;

Солик қўмитаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари томонидан солик ҳисоботини шакллантиришда уларнинг шахсий кабинетида ушбу платформа маълумотларини онлайн кўриб бориш имкониятини яратади.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 14 октябрь,
ПФ-157-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

366 Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва халқаро таълим дастурлари-ни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Касбий таълим соҳасида институционал яхлитликни таъминлаш ва бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, халқаро таълим дастурларини жорий этиш ҳамда ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош ўрта бўғин кадрлари тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадида:

1. Касбий таълим тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгилансин:

касбий таълим ташкилотлари турларини мақбуллаштириш ҳамда касбий таълимнинг барча даражалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган ягона қўп тармоқли ўкув муассасалари тизимини жорий қилиш;

касбий таълим ташкилотларининг академик мустақиллигини таъминлаш ҳамда уларнинг иқтисодиёт тармоқлари талабларига мос кадрлар тайёрлаш имкониятини кенгайтириш;

касбий таълим соҳасида замонавий бошқарув тизимини жорий қилиш, ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш жараёнларига манфаатдор вазирлик ва идораларни кенг жалб қилиш, уларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш;

касбий таълим ташкилотлари ўкув жараёнига халқаро таълим дастурларини жорий қилиш, ўқитиш якуни бўйича бериладиган таълим тўғрисидаги хужжатларнинг хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш;

касбий таълим ташкилотларида ўкув жараёнларини босқичма-босқич рақамлаштириш, касбий таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган маҳсус электрон платформани жорий қилиш;

касбий таълим ташкилотларини зарур ўкув адабиётлари, услубий қўлланмалар ва рақамли контентлар билан таъминлаш, уларнинг лаборатория ва устахоналарини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш;

касбий таълим ташкилотлари битирувчиларининг кўникма ва компетенцияларини баҳолаш тизимини тубдан янгилаш, ушбу жараёнда иш берувчилар вакиллари фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

2. «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа оғиси ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг касбий таълим ташкилотлари-нинг амалдаги турларини мақбуллаштириш ҳамда касбий таълимнинг барча даражалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган ягона техникумлар тармоғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

Белгилансинки, техникумларда:

кадрлар тайёрлаш Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагиchi ва Ўзбекистон миллий малака тизими талабларига мос равишда ташкил этилади;

бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус касбий таълим дастурлари бўйича кадр-

лар тайёрлаш йўлга қўйилади, шунингдек, малака ва компетенциялар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади;

бошланғич касбий таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш умумий ўрта таълим ташкилотининг 9-синфини тамомлаган ўқувчилар учун — давлат гранти асосида, камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган бошқа талабгорлар учун — тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

ўрта ва ўрта маҳсус касбий таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ташкил этилади;

турли даражадаги касбий таълим дастурларининг ўзаро мувофиқлиги ва узвийлиги таъминланади ҳамда таълим дастурлари бўйича ўқитиш муддатлари ўқувчи томонидан олдин ўзлаштирилган модуллардан келиб чиқиб белгиланади;

ўрта маҳсус касбий таълим дастурларининг битирувчиларига ўзлаштирилган модуллари, тўплаган кредитлари ва олий таълим ташкилоти томонидан белгиланган баллар ўртacha қийматидан (GPA) келиб чиқиб, бакалавриатнинг тегишли босқичидан ўқишини давом эттиришга руҳсат этилади;

зарур методик ва педагогик таъминот, ўқув ва лаборатория хоналари, устахона жиҳозлари, амалиёт базалари ҳамда иш берувчиларнинг буюртмалари мавжуд бўлган тақдирда, олдин ўқитиш ўйлга қўйилмаган таълим даражалари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишга руҳсат этилади.

3. Қўйидагилар:

2025 йил 1 январдан бошлаб негизида техникумлар ташкил этиладиган касбий таълим ташкилотлари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

Техникумлар фаолиятини молиялаштириш тартиби 2-иловага мувофиқ;

Негизида мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари ташкил этиладиган касбий таълим ташкилотлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Мазкур Фармоннинг 1-иловасида кўрсатилган олий таълим муассасалари зиммасига уларга биринчирилган техникумларга ўқув-услубий ёрдам кўрса-тиш, таълим сифатини ошириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш вазифалари юклансин.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х. Умарова) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) билан биргаликда мазкур Фармоннинг 3-иловасида кўрсатилган касбий таълим ташкилотларининг ўқувчиларига амалдаги таълим дастурлари бўйича ўқишини яқунлаши учун зарур шароит яратсан.

4. Касбий малакаларни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (А. Арипов) 2025 йил 1 сентябрга қадар таълим ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларини 4-иловага* мувофиқ кадрлар буюртмачиси ва саноат ҳамкори сифатида техникумларга биринчирсан.

Белгилансанки:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари зиммасига техникумларни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурслар-

* 1, 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни йўналтириш, халқаро таълим дастурларини жорий этиш, ўқувчилар учун амалиёт базаларини ташкил этиш, дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш, раҳбар ва педагог кадрларни моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг стажировкасини ташкил этиш вазифалари юкланди;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалигига мазкур Фармон билан улар зиммасига юклangan вазифаларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағларни 5-иловадаги харажатларга йўналтириш хуқуки берилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб техникумларга:

таълим дастурлари доирасида ишлаб чиқилган ишчи ўқув режаси ва дастурларини қайта кўриб чиқишига, шу жумладан, буюртмачиларнинг таклифларига мувофиқ фанларни бир-бирига интеграция қилишга ҳамда ажратилган соатлар доирасида мутахассислик ва умумкасбий фан (модул) ларнинг соатларини 30 фойзгacha ўзгартиришга;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан келишилган ҳолда етакчи хорижий таълим ташкилотлари иштирокида тўлов-контракт асосидаги қўшма таълим дастурларини жорий қилишга;

маҳаллий ва хорижий иш берувчилар билан тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш ва қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга, ушбу дастур ва курсларнинг таълим тили ва ўқитиш қийматини мустақил белгилашга;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан турили ёшдаги фуқаролар ва ишсизларни касб-хунар, хорижий тиллар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилишга;

касбий кўнікмалар марказларидан амалиёт базалари сифатида бепул фойдаланишга рухсат берилади.

6. Техникумларда ўрта бўғин кадрларини тайёрлашнинг шундай тартиби жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) техникумларга ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари ҳар йили 1 марта қадар тасдиқланади. Бунда:

техникумларда ўтказиладиган кириш имтиҳонлари шакли 4-иловадаги кадрлар буюртмачилари ва саноат ҳамкорлари билан келишган ҳолда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланади;

дуал таълим шаклида ўқувчиларни қабул қилиш иш берувчилар билан тузилган шартномалар асосида тўғридан-тўғри амалга оширилади;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб:

касбий таълим дастурлари касбий стандартлар асосида ишлаб чиқилади ҳамда касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари, тадбиркорлик субъектлари бирлашмалари, йирик иш берувчилар ва уюшмалар билан келишилганидан сўнг амалиётга киритилади;

битирувчиларни яқуний баҳолаш соҳа экспертлари, касбий малакаларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари, баҳолаш ташкилотлари, иш берувчилар, уюшмалар ва тадбиркорлик субъектлари бирлашмалари вакиллари иштирокида демонстрацион имтиҳонлар шаклида амалга оширилади;

касбий таълим ташкилотлари битирувчиларига давлат намунасидаги

хужжатларни беришнинг ягона тартиби жорий этилади. Бунда касбий таълим дастурларини ўзлаштирган шахсларга — дипломлар, қисқа муддатли курслар битирувчиларига — ўқиган модулига қараб тегишинча компетенцияни (малакани) эгаллаганлик тўғрисидаги сертификатлар берилади;

в) 2026 йил 1 январдан бошлаб ўрта бўғин кадрларига бўлган талаб Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг «Касбий таълим» платформаси орқали шакллантирилади.

7. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда 2025 йил 1 сентябрга қадар:

«Касбий таълим» платформасини ишлаб чиқсан ва амалиётга жорий қилсин ҳамда унинг «Электрон ҳукумат» тизими билан интеграциясини таъминласин;

барча юридик ва жисмоний шахсларга «Касбий таълим» платформасидан очик ва бепул фойдаланиш имкониятини яратсан.

8. Қўйидагилар:

«Касбий таълим» платформасининг фаолият юритиш тартиби 6-иловага* мувофиқ;

«Касбий таълим» платформаси орқали кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантириш тартиби 6.1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари «Касбий таълим» платформасига зарур маълумотларни тўлиқ ва ўз вақтида киритиш бўйича шахсий жавобгар этиб белгилансин.

9. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва «Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази» лойиҳа офисининг 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб 7-иловадаги* техникумларда халқаро таълим дастурларини жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан.

Белгилансинки:

7-иловадаги техникумларга тўлиқ академик мустақиллик берилади ва уларнинг фаолияти 8-иловадаги тартибга мувофиқ ташкил этилади;

7-иловадаги техникумларда 9-иловага* мувофиқ квалификациялар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

халқаро таълим дастурлари асосида таълим олган ва имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчиларга халқаро таълим дастурлари бўйича диплом (сертификат) ҳамда касбий таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади;

7-иловадаги техникумларни сақлаш харажатлари Давлат бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига техникумларда халқаро таълим дастурларини жорий қилиш бўйича хорижий ташкилотни энг мақбул таклифларни танлаб олиш йўли билан тўғридан-тўғри шартнома асосида жалб қилишга рухсат берилади.

10. Касбий таълим тизимида замонавий бошқарув усууларини жорий қи-

* 6-7, 9-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиш ва техникумлар раҳбар кадрларини танлаш ҳамда тайинлаш жараёнлари шаффоғлигини таъминлаш мақсадида:

а) касбий таълим тизимида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича масъул орган этиб Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги белгилансин;

б) мазкур Фармоннинг 1-иловасидаги техникумлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тасарруфига ўтказилсин.

Бунда техникумларнинг ер участкалари, бино ва иншоотлари ҳамда бошқа кўчмас мулк обьектларини бошқа корхона ва ташкилотларга ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжати асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин;

в) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган холда давлат техникумларида тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш ваколати берилсин;

г) 2025 йил 1 январдан бошлаб техникумларнинг директор ва директор ўринбосари лавозимларига талабгорларни очик танлов асосида танлаш тартиби жорий қилинсин. Бунда, белгилаб қўйилсинки:

танлов Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг маҳсус элекtron платформаси орқали амалга оширилади;

танлов ўтказишга тегишли иқтисодиёт тармоқлари ва иш берувчилар вакиллари жалб этилиши мумкин;

директор ва директор ўринбосарлари билан улар томонидан тақдим этилган стратегик режага асосан уч ўйллик меҳнат шартномаси тузилади;

муддати тугагандан сўнг директор ва директор ўринбосарлари билан тузиленган меҳнат шартномаси стратегик режада белгиланган вазифаларнинг баражириланлигига қараб, келгуси уч ўйлга узайтирилиши мумкин.

11. Ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ва уларни сарфлашнинг асосий ўналишлари 10-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

12. Жамғармани бошланғич молиявий маблағлар билан таъминлаш мақсадида:

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О. Фозилкаримов) 2025 йил 1 апрелга қадар Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм миқдордаги маблағларни;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов) 2025 йил 1 сентябрга қадар Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисмидан 50 миллиард сўм миқдордаги маблағларни Жамғармага ўналтиурсин.

13. 2025 — 2027 йилларда касбий таълим тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 11-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

* 11-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 12-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

15. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К. Шарипов):

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 июлга қадар 2026 — 2030 йилларда касбий таълим тизимининг моддий-техника базасини ривожлантириш дастурини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 16 октябрь,
ПФ-158-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги
ПФ-158-сон Фармонига
2-ИЛОВА

Техникум фаолиятини молиялаштириш ТАРТИБИ

2025 йил 1 январдан бошлаб техникумларни молиялаштириш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Техникумларни сақлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш аралаш молиялаштириш асосида амалга оширилади, хусусан:

а) қўйидаги харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади:

техникумларда бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўкув-ёрдамчи ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, хомашё ва ёнилғи-мойлаш материаллари ҳамда коммунал хизматлар харажатлари;

техникумларни ўкув адабиётлари, дипломлар, сертификатлар, гувоҳномалар ҳамда белгиланган намунадаги ҳужжатлар ва гурух журнallари билан таъминлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан белгиланадиган бошқа мақсадли харажатлар (ходимларга устами ва қўшимча ҳақ тўлаш, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган ўқувчилар моддий таъминоти бўйича харажатлар ва бошқалар);

б) техникумларни жорий сақлаш, фаолият юритишини таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда педагог ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари ўқувчиларни давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда, Ижтимоий химоя миллий агентлиги ҳузуридаги техникумлар, санъат ва маданият ўйналишидаги техникумлар, шунингдек, ҳалқаро таълим дастурлари жорий қилинадиган 14 та техникумни сақлаш харажатлари тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) давлат гранти асосида таълим оладиган ўқувчиларни ўқитиш харажатлари учун зарур маблағлар белгиланган тартибда тасдиқланган тўлов-контракт миқдоридан келиб чиқиб ажратилади;

г) давлат гранти асосида таълим олаётган ўқувчилар учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари техникумларнинг тўлов-контракт учун очилган бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобвараfiga ўтказилади ва ҳисобот даври охирида маблағларнинг қолдиғи техникум ихтиёрида қолдирилади.

2. Ҳалқаро таълим дастурлари жорий этилган техникумлар фаолиятини молиялаштириш қўйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

а) Давлат бюджети маблағлари;

б) хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

- в) грантлар ва ҳомийлик хайриялари;
- г) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Техникумларга ўқув амалиёти жараёнида ва дарсдан бўш вақтда ўқувчилар иштирокида ишлаб чиқарилган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни (товар, иш ва хизматларни), шу жумладан, савдо шохобчаларини ташкил қилган ҳолда намойиш қилиш ва сотишга рухсат берилади. Бунда:

- а) техникумларга истисно тариқасида буюртмачилар билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилади;
- б) ишлаб топилган маблағлар техникумларнинг педагог кадрлари ва ўқувчиларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

4. Техникумларга педагог кадрлар ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун таълим ташкилотининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан (тўлов-контракт маблағлари бундан мустасно) лавозим маошининг 200 фоизгача микдорида ҳар ойлик устамалар белгилаш ва тўлашга рухсат берилади.

Бунда педагог кадрлар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг лавозим маошига ҳар ойлик устамалар белгилаш тартиби Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги
ПФ-158-сон Фармонига
5-ИЛОВА

**Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик
бирлашмалари томонидан бюджетдан ташқари ҳамда
қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан
амалга ошириладиган харажатлар
РЎЙХАТИ**

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларига ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан техникумлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун қўйидаги харажатларни амалга оширишга рухсат этилади:

- а) техникумларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш ва таълим жараёнини рақамлаштириш;
- б) техникумларда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш;
- в) техникумларда халқаро таълим дастурларини жорий қилиш, уларга замонавий ўқув адабиётлар, услубий қўлланмалар ва дидактик материаллар сотиб олиш ҳамда таржима қилиш;
- г) касбий таълим соҳасига хорижий мутахассис ва экспертларни жалб қилиш;
- д) техникумларда фаолият юритиб келаётган раҳбар ва педагог кадрларни рағбатлантириш ҳамда уларни хорижий давлатларга стажировка ва малака оширишга юбориш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги
ПФ-158-сон Фармонига
8-ИЛОВА

**Халқаро таълим дастурлари жорий қилинадиган
техникумлар фаолиятини ташкил қилиш
ТАРТИБИ**

1. Халқаро таълим дастурларини жорий қилиш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида мазкур Фармоннинг 7-иловасида кўрсатилган техникумларнинг тузилмасида мавжуд штат бирликлари доирасида 7 та штат бирлигидан иборат бўлган Халқаро таълим дастурларини мувофиқлаштириш бўлими (кейинги ўринларда — Бўлим) ташкил этилади.

Бунда:

Бўлим техникумнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган таркибий бўлинмаси ҳисобланади;

Бўлимга унинг барча ўқув ва ташкилий ишларига масъул бўлган хамда мақоми бўйича техникум директори ўринbosарига тенглаштирилган Бўлим бошлиғи раҳбарлик қиласи;

Бўлим бошлиғи маъмурий ва ташкилий масалаларда техникум директорига бўйсунади;

халқаро таълим дастурлари билан боғлиқ барча молиявий масалалар бўйича масъулият техникум директори зиммасига юклатилиди.

2. Бўлимнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланади:

бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус қасбий таълим даражаларида халқаро таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш;

миллий таълим дастурларини халқаро стандартлар ва таълим дастурлари билан интеграция қилиш;

халқаро таълим дастурини тақдим этувчи ташкилотлар билан ташкилий ва молиявий масалаларни ҳал қилиш;

халқаро таълим дастурлари жорий қилинадиган малакалар бўйича ўқитувчиларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

халқаро таълим дастурлари талаблари асосида таълим олган ўқувчилар ҳисобини юритиш;

халқаро таълим дастурлари жорий этиладиган таълим ташкилотларида ўқув ва амалиёт жараёнларини мувофиқлаштириш;

халқаро таълим дастурлари бўйича таълим олаётган ўқувчиларнинг ўқув-методик таъминотини мустаҳкамлаш;

халқаро таълим дастурларининг талаблари асосида якуний имтиҳонлар ўтказиш ҳамда битирувчиларга белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш.

3. Бўлим ходимлари ва халқаро таълим дастурлари жорий қилинадиган техникумлар педагоглари меҳнатига ҳақ тўлаш алоҳида тартиб асосида амалга оширилади.

Бунда:

ходимлар ва педагогларнинг иш ҳақи миқдорларига ҳар ойлик 100 фоиз устама тўланади;

умумий иш ҳақи жамғармасига нисбатан 50 фоиз миқдорда моддий рафбатлантириш жамғармаси ташкил этилади;

моддий рафбатлантириш жамғармаси ҳисобидан малакали ва фаолиятида юкори натижаларга эришган ходимлар ва педагогларга 200 фоизгача миқдорда устама тўланади.

4. Техникумларда халқаро таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш касбий таълимнинг бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус таълим даражалари бўйича кундузги ва дуал таълим шаклларида давлат гранти асосида амалга оширилади.

5. Халқаро таълим дастурлари бўйича ўқувчиларни қабул қилиш ички ва ташқи меҳнат бозори эҳтиёжлари, ўқувчиларнинг қизиқишлари ҳамда иш берувчиларнинг буюртмалари асосида амалга оширилади.

6. Техникумларга иш берувчиларнинг буюртмалари ва маблағлари ҳисобидан шартнома асосида халқаро таълим дастурлари бўйича қўшимча гурӯхлар ташкил қилишга рухсат этилади.

Бунда халқаро таълим дастурлари бўйича бир ўқувчини ўқитиш қиймати Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан белгиланади ва шартномалар ҳисобидан тушган маблағлар халқаро таълим дастурлари педагог кадрларини моддий рафбатлантириш ҳамда техникум моддий-техника базасини яхшилашга йўналтирилади.

7. Халқаро таълим дастурларини муваффақиятли якунлаган битирувчиларнинг дипломлари ҳамда тўплаган кредит (ўқув соат)лари таълимнинг кеинги босқичларида тан олинади.

8. Халқаро таълим дастурлари доирасида ўқувчиларни хорижий тилларга ўқитиш ташкил этилади.

9. Халқаро таълим дастурларини жорий қилиш учун ушбу Фармоннинг 7-иловасидаги техникумларнинг бино ва иншоотларидан зарур жой (хона) ажратилади.

10. Халқаро таълим дастурлари бўйича қабул қилинган ўқувчилар учун назарий ва амалий машғулотларни ташкил қилишда техникумларнинг мавжуд ўқув ва амалиёт хоналаридан ҳамда моддий-техника базасидан фойдаланишга рухсат этилади.

11. Техникум халқаро таълим дастурлари бўйича янги ташкил қилинадиган лаборатория ва устахоналар ҳамда харид қилинадиган техникаларни балансда сақловчиси ҳисобланади.

Халқаро таълим дастурлари доирасида ташкил этилган лаборатория ва устахоналар ҳамда харид қилинган техникалардан техникумнинг халқаро таълим дастурлари ва бошқа дастурлари бўйича амалий машғулотларда фойдаланишга рухсат берилади.

12. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги халқаро таълим дастурларини ривожлантириш бўйича хорижий ҳамкор таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда қўйидагиларни амалга оширади:

худудларнинг ижтимоий-иктисодий имкониятларидан келиб чиқиб, техникумларда ўқитиладиган касб ва мутахассисликларни белгилаш;

хорижий ҳамкор таълим ташкилотлари тавсиялари асосида ҳалқаро таълим дастури бўйича ўқишига қабул қилинадиган ўқувчиларни саралаб олиш;

кадрлар тайёrlаш бўйича хорижий ва маҳаллий иш берувчилар ҳамда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш;

техникумларга раҳбар ва педагог ходимларни ишга қабул қилиш;

Ҳалқаро таълим дастурларида таҳсил олган ўқувчиларнинг доимий эгаллаган касбий малакасини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг билимларини якуний баҳолашдан ўтказиб бориш;

маҳаллий ва хорижий иш берувчилар билан музокаралар олиб бориш орқали ҳалқаро таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги
ПФ-158-сон Фармонига
10-ИЛОВА

**Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағларини
шакллантириш манбалари ва уларни сарфлашнинг
АСОСИЙ ЎҶНАЛИШЛАРИ**

1. Касбий таълимни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш манбалари:

касбий таълим ташкилотларининг тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг молия йили охирига қолдик (тижорат банклари нинг депозитларига жойлаштирилган маблағларини инобатга олинган ҳолда) қисмининг 4 фоизи миқдоридаги ажратмалари;

ўрта маҳсус ва касбий таълим ташкилотлари педагог кадрларини навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғимларнинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тушган қисми;

Жамғарманинг вақтинчалик бўш турган маблағларини тижорат банклари га депозитга жойлаштиришдан олинган фоиз тарзидаги даромадлари;

халқаро донорларнинг грантлари ва ҳомийлик маблағлари;

қонунчилик хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2. Жамғарманинг асосий фаолият йўналишлари:

касбий таълим ташкилотларининг услугий таъминотини мустахкамлаш, уларнинг бино ва иншоатларини замонавий жихозлар билан таъминлаш;

касбий таълим ташкилотларининг ўқув жараёнини рақамлаштириш;

касбий таълим соҳасида танловлар ўтказиш ҳамда малакали маҳаллий ва хориҷий мутахассисларни жалб қилиш;

касбий таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог ходимларининг ма- лака тоифаларини баҳолашни ташкил этишда иштирок этган мутахассисларни моддий рағбатлантириш;

«Касбий таълим» платформасини ишлаб чиқиш ва лозим даражада ишланиши таъминлаш;

касбий таълимни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 16 октябрдаги
ПФ-158-сон Фармонига
12-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим хужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон Фармонининг 2-банди иккинчи — тўртинчи хатбошилари, 3-банди «а», «б», «в», «г», «е» кичик бандлари, «д» кичик бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбошилари ҳамда 1 — 3-иловалари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-6031-сон Фармонига илованинг 1-банди иккинчи хатбошиси.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «Кишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатиши янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-6159-сон Фармонига 5-илованинг 1 — 3-бандлари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 февралдаги «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизими жорий этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-6176-сон Фармонига 1-илованинг 3-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-6217-сон Фармонига 1-илованинг 5-банди «а» ва «б» кичик бандлари.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-45-сон Фармонига 1-илованинг 5-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 марта «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-94-сон Фармонига 1-илованинг 1-банди «а» ва «б» кичик бандлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги хузуридағи Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ихтисос-

лаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тұғрисида»ғи ПФ–106-сон Фармонига 7-илованинг 1-банди «а» — «в» кичик бандлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тұғрисида»ғи ПФ–183-сон Фармонига илованинг 2-банди «а» кичик банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тұғрисида»ғи ПФ–214-сон Фармонига 1-илованинг 2-банди «а» кичик банди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тұғрисида»ғи ПФ–258-сон Фармонига 1-илованинг 3-банди «а» кичик банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тұғрисида»ғи ПФ–107-сон Фармонига 1-илованинг 6-банди «а» кичик банди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ишли касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида»ғи ПҚ–5140-сон қарорига 4-илованинг 2-банди «а» кичик банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги «Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тұғрисида»ғи ПҚ–200-сон қарорига 6-илованинг 34-позицияси.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 июлдаги «Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тұғрисида»ғи ПҚ–216-сон қарорига 3-илованинг 1-банди «а» кичик банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

367 Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш түғрисида*

Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект технологияларидан фойдаланувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторига киришига эришиш, шунингдек, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Кўйидагиларни назарда тутувчи Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

а) Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича эришиш лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар, шу жумладан:

сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш;

Ягона интерактив давлат хизматлари порталаида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушкини 10 фоизга етказиш;

сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 10 тага етказиш ҳамда юқори қувватли ҳисоблаш серверларини ишга тушириш;

Хукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистон Республикасининг биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш;

б) Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифалар:

сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган норматив-хукуқий базани шакллантириш, соҳада стандартларни такомиллаштириш ва ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш;

маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сунъий интеллектга асосланган лойиҳаларни ишга тушириш учун техник инфратузилма яратиш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида мазкур йўналишдаги устувор лойиҳаларни амалга ошириш;

сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва кўнижмаларини ошириш, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш.

2. Стратегияни амалга ошириш доирасида қўйидагилар:

Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш стратегиясини 2024 — 2026 йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 17 октябрда эълон қилинган.

** 2-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида шакллантириладиган «кatta маълумотлар» рўйхати З-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Қўйидагилар сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор йўналишлар этиб белгилансан:

банк-молия соҳасида — фирибгарликларнинг олдини олиш, фойдаланувчиликнинг тўлов қобилиятини баҳолаш, бозор тенденцияларини прогноз қилиш;

солик ва божхона соҳасида — яширин иқтисодиёт улушкини камайтириш, шубҳали божхона операцияларини прогнозлаш ва хавфларни бошқариш;

соғлиқни сақлаш соҳасида — касалликларни ташхислаш, даволаш усулларини белгилаш, тиббий тасвирларни таҳлил қилиш ва беморга оид маълумотларни бошқариш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида — ҳосилдорликни прогноз қилиш, қишлоқ хўжалиги ресурсларини бошқариш, экинлар, парранда, балиқ ва чорва молларини етишириш жараёнларини мониторинг қилиш;

энергетика соҳасида — энергия ресурсларини бошқариш, энергия ишлабчиқариш ва тақсимлашни оптималлаштириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишини ривожлантириш ва уларга бўлган талабни прогнозлаш.

4. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун 2025 йил 1 январдан бошлаб Рақамли технологиялар вазирлигига 5 йил муддатга 50 миллион АҚШ доллари миқдорида фоизсиз кредит ажратилишини таъминласин.

Бунда ушбу кредит Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан қайтарилиши белгилаб қўйилсин.

5. «Катта маълумотлар» базасини яратиш учун вазирлик ва идоралар шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда (шу жумладан, маълумотлар эгасизлантирилган ҳолда) 2025 йил 1 майга қадар мазкур қарорнинг З-иловасига мувофиқ маълумотларнинг Рақамли технологиялар вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Рақамли технологиялар вазирлиги:

2024 йил 1 декабрга қадар вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида тайёрланган сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхатини муҳокамадан ўtkазиш ва тасдиқлаш учун «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига киритсан;

2025 йил 1 сентябрга қадар лойиҳалар ва илмий-амалий тадқиқотларни зарур маълумотлар билан таъминлаш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ барча ахборот хавфсизлиги чораларини кўрган ҳолда «катта маълумотлар» базасини яратсан;

2026 йил 1 майга қадар сунъий интеллект технологияларини жорий этиш лойиҳалари доирасида маълумотларни қайта ишлаш учун мўлжалланган хисоблаш қувватларини ишга туширсан.

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (А. Арипов):

мазкур қарорнинг 4-бандида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳамда ушбу лойиҳаларни шаффоф ва рақобат тамойилларига асосланган ҳолда амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилишини таъминласин;

Комиссия йиғилишларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор лойиҳаларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини муҳокама қилиб борсин;

заруратга кўра, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхатига (муҳокамалар асосида), шунингдек, «кatta маълумотлар» базасида шакллантириладиган маълумотлар рўйхатига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиб борсин.

7. Рақамли технологиялар вазирлиги тузилмасидаги «Рақамли иқтисодиёт тадқиқотлари маркази» давлат муассасаси негизида «Сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш маркази» давлат муассасаси (кеёниги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Бунда:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат иштирокидаги корхоналар Марказ сўровига асосан (қонунчилик ҳужжатлари билан кўриқланадиган маълумотлардан ташқари) сунъий интеллектни ривожлантириш йўналишида зарур бўлган маълумотлардан фойдаланиш учун ахборот тизимлари, маълумотлар базаларига улашиб ва тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини яратсин;

ахборот тизимлари ва дастурий таъминотларнинг сунъий интеллект технологиялари асосида яратилганлиги ва бундай технология қўлланганлиги Марказ томонидан экспертизадан ўтказилади.

8. Қўйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

хўжалик шартномалари доирасида кўрсатилган хизматлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишдан тушган маблағлар;

зарур техник инфратузилмани тақдим этиш эвазига шартномавий асосда стартап-loyiҳalardagi ўз улушларини сотишдан тушган маблағлар.

Бунда Марказ келгусида ўзи кўрсатган хизматлар доирасидаги тушумлари ҳисобидан мустақил молиялаштиришга ўтиши белгилансин.

9. Марказ Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 114A-уй манзилидаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

10. Банк тизимини сунъий интеллект технологиялари бўйича илфор соҳага айлантириш ва соҳада халқаро тажрибани кенг қўллаш мақсадида:

а) Марказий банкнинг Лойиҳалар ва жараёнларни бошқариш хизмати ҳамда Киберхавфсизлик маркази томонидан фирибгарликларнинг олдини олиш, тўлов тизимлари ва хавфларни бошқариш йўналишида сунъий интеллект технологиялари жорий қилинсин;

б) давлат улушкига эга тижорат банклари қуйидаги йўналишларда сунъий интеллеккт соҳасидаги лойихаларни амалга ошириши кўзда тутилсин:

ахоли ва тадбиркорлик субъектларига банк хизматларининг қулайлиги ва сифатини ошириш;

«катта маълумотлар»ни қайта ишлаш технологиялари ва сунъий интеллекктни қўллаш орқали молиявий хавфларни бошқариш ва мижозларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш;

банк хизматларини автоматлаштириш, шунингдек, ахборот хавфсизлиги ва фирибгарликка қарши курашиб бўйича замонавий механизmlарни жорий этиш.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 14 октябрь,
ПҚ-358-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги
ПҚ-358-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга
қадар ривожлантириш
СТРАТЕГИЯСИ**

1-боб. Умумий маълумот

Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртингчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-132-сон Фармонига мувофиқ, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шу жумладан, ҳуқуқий, технологик ва иқтисодий асосларни белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Стратегия сунъий интеллект технологиялари ривожланишининг жорий ҳолати ва хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибаларини хисобга олган ҳолда мамлакатимиизда сунъий интеллектни кенг қўллаш, жадал ривожлантириш мақсадлари, вазифалари ва устувор йўналишларини белгилайди.

Шунингдек, Стратегияда сунъий интеллект технологиялари ёрдамида миллий манфаатларни инобатга олган ҳолда стратегик устувор йўналишларда лойиҳаларни амалга ошириш, ўрта ва узок муддатли, шу жумладан, илмий-техникавий ривожланиш соҳасидаги вазифалар белгилаб берилади.

Стратегияда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

сунъий интеллект — инсоннинг билим ва қўнималарига тақлид қилиш имконини берувчи (шу жумладан, мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш) ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуи;

нейрон тармоқ — машинавий ўқитиш усуllibаридан бири бўлиб, биологик организмнинг нейрон боғламаларини ташкил этиш ва уларнинг ишлаш тайомилига асосланган математик модел, аппарат-дастурӣ таъминот;

машинавий ўқитиш — намуналарни ўрганиш ва таҳлил қилиш ёрдамида хулоса чиқарувчи алгоритмларни ўрганувчи соҳа бўлиб, маълумотлардаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш ҳамда ўрганишда жараёнларни тадқиқ қилиш (нейрон тармоқлар ва статистика) ва бошқа усуllibардан фойдаланиш;

чукур ўрганиш платформаси — сунъий нейрон тармоқларини чукур ўрганиш учун мўлжалланган дастурӣ ва аппарат воситалари мажмуи;

сунъий интеллект технологияси — сунъий интеллектдан фойдаланишга асосланган технологиялар, шу жумладан, интеллектуал видеотаҳлил,

нутқни таниб олиш ва синтезлаш, қабул қилинган қарорларни интеллектуал қўллаб-қувватлашнинг истиқболли усуллари;

«катта маълумотлар» — ҳажми, хилма-хиллиги, тезлиги ва (ёки) ўзгарувчанлиги билан ажралиб турадиган, самарали сақлаш, бошқариш ва тахлил қилиш учун талаб этиладиган кенг маълумотлар тўплами.

2-боб. Мамлакатимизда сунъий интеллект технологиялари ривожланишининг жорий ҳолати

Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4996-сон қарори қабул қилинган. Мазкур қарорга мувофиқ:

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб 15 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект технологияларининг иқтисодиёт тармоқлари хамда давлат бошқаруви тизимида амалий қўлланиши бўйича курслар ва фанлар жорий этилди;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб «Сунъий интеллект» йўналишида кадрлар тайёрлаш учун 12 та олий таълим муассасасига 572 нафар талаба (510 нафар бакалавр, 62 нафар магистратура) ўқишга қабул қилинди;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси томонидан «Сунъий интеллект» йўналиши бўйича таълим олиш истагини билдирган ёшлар етакчи хорижий олий таълим муассасаларига юборилди;

Рақамли технологиялар вазирлиги хузурида ихтисослашган лабораторияларга эга Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди;

Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали фаолияти доирасида сунъий интеллект асосидаги дастурий таъминотдан фойдаланиш учун давлат органлари маълумотлари ва бошқа маълумотлар тўпламларини олиш имкониятини тақдим этувчи рақамли маълумотлар платформаси (data.egov.uz) ишга туширилди.

Қарор доирасида қишлоқ хўжалиги, банк, молия, транспорт, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, энергетика, солик ва бошқа устувор тармоқ ва соҳаларда сунъий интеллектни жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳалари амалга оширилди.

3-боб. Стратегиянинг мақсад ва вазифалари

Стратегиянинг иловасига* мувофиқ сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришилиши назарда тутилмоқда.

Стратегияни мамлакатимизда муваффақиятли амалга ошириш доирасида қўйидагилар асосий мақсад ва вазифалар этиб белгиланади:

1) сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган норматив-хуқуқий базани шакллантириш йўналишида:

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

миллий қонунчилик ҳужжатларини халқаро тажриба асосида ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

соҳадаги илмий тадқиқотлар ва инновацияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қулай мұхит яратиш;

хавфсизлик ва этика талабларини жорий этиш;

2) ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда устувор лойиҳаларни амалга ошириш йўналишида — сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ривожлантириш орқали янги ва юқори қиймат қўшилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини, хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйиш;

3) соҳада стандартларни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўналишида:

миллий стандартларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

халқаро ташкилотлар ва соҳадаги илғор хорижий компаниялар билан алоқалар ўрнатиш, шунингдек, миңтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

4) сунъий интеллект технологиялари асосида маълумотларни қайта ишлаш учун техник инфратузилмани шакллантириш йўналишида:

сунъий интеллект моделларини ўқитиш, уларни синовдан ўтказиш ва ривожлантириш учун зарур инфратузилма яратиш;

очик маълумотлар ва «катта маълумотлар» тўпламларини шакллантириш;

5) аҳолининг билим ва кўнікмаларини ошириш, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш йўналишида:

сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва кўнікмаларини ошириб бориш;

малакали кадрлар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш, ушбу жараёнга хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда ўқитувчи ва професорларнинг билим ва малакаларини ошириш.

1-§. Сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш

Миллий қонунчилик ҳужжатларини халқаро тажриба асосида ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадида қўйидаги чоралар кўрилади:

тадқиқотлар натижалари ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўргангандан ҳолда сунъий интеллект технологиялари ривожланишини қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиш;

сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг яхлит тизимини яратиш;

соҳадаги давлат стандартлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

сунъий интеллект технологиялари соҳасидаги институционал асосларни шакллантириш;

маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш марказларидаги «булутли техно-

логиялар» хизматлари бўйича маълумотларнинг яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш асосларини кучайтириш.

Соҳадаги илмий тадқиқотлар ва инновацияларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қулай муҳит яратиш мақсадида қўйидаги чоралар кўрилади:

соҳадаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини амалга оширишда етакчи ташкилотлар иштирокида патент тадқиқотларини ўtkазиш ва уларни мунтазам янгилаб бориш учун зарур шароитлар яратиш;

иктисодиётнинг турли соҳаларида сунъий интеллект йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш билан боғлиқ жараёнларни соддалаштириш;

илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришни рағбатлантириш бўйича хуқуқий асосларни такомиллаштириш.

Хавфсизлик ва этика талабларини жорий этиш мақсадида қўйидаги чоралар кўрилади:

сунъий интеллект технологиялари бўйича этика қоидаларини ишлаб чиқиши;

маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш.

2-§. Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш

Ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ривожлантириш орқали янги ва юқори қиймат қўшилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини, хизматлар кўрсатилишини йўлга қўйиш мақсадида қўйидагилар амалга оширилади:

а) қишлоқ хўжалиги соҳасида:

ерни масофадан зондлаш асосида тупроқ ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳолати, шунингдек, глобал позициялаш тизимлари асосида қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан, комбайнлар ишини мониторинг қилиш технологияларини ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, соҳада сунъий интеллектга асосланган ҳолда қарорлар қабул қилишга кўмаклашиш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда чорва моллари, парранда, балиқ ва бошқа ўсимлик ва ҳайвон турлари ўсиши, (кўпайиши) етиштирилиши ва ҳажмини онлайн мониторинг қилиш имкониятини яратиш;

ердаги сув миқдори, ҳосил ҳажмини аниқлаш ҳамда сув ресурслари ва минерал ўғитларни тежаш бўйича тавсиялар беришда сунъий интеллектни қўллаш;

б) банк соҳасида:

банк хизматларини кўрсатиш жараёнида мижозларнинг тўлов қобилияти ҳамда бошқа хусусиятларини баҳолаш ва таҳлил қилиш;

банк соҳасида мониторинг ва таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаштириш учун интеллектуал технологияларни ривожлантириш;

в) транспорт, логистика, саноат ва хизмат кўрсатиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида:

транспорт соҳасидаги замонавий услубларни қўллаган ҳолда вагонлар сони, соғ оғирлиги ва улардаги маҳсулотларни таҳлил қилиш;

замонавий камералар ёрдамида дўконларда харидорларни аниқлаш, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва сотиб олган маҳсулотларини таҳлил қилиш;

автоном интеллектуал ускуналар ва робототехника мажмуаларидан интеллектуал логистика бошқарув тизимларида фойдаланиш;

сунъий интеллект алгоритмлари, машинавий ўқитиш ва прогнозлаш усуслари ёрдамида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини мониторинг қилиш ҳамда оптималлаштириш;

г) геология ва энергетика соҳасида:

ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва технологик ускуналар ишини такомиллаштириш;

энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмолини прогноз қилиш;

энергетика обьектларини самарали бошқариш ва мониторингини юритишида «буюмлар интернети» технологияларини жорий қилиш;

д) соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларида:

касалликларни прогнозлаштириш, диагностика қилиш ва даволаш услубларини белгилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

дори воситаларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш жараёнини оптималлаштириш;

инсон ўпкасининг компьютер томографияси таҳлили асосида пневмонияни аниқлаш;

маммография таҳлили асосида кўкрак бези саратонига илк босқичда ташхис қўйиш учун сунъий интеллект технологияларини қўллаш;

дори-дармонларга бўлган эҳтиёж, уларни минимал ва максимал ишлаб чиқариш сони ва бошқа молиявий ахборотларни таҳлил қилиш;

компьютер томографияси, уч ўлчамли тасвирларни таҳлил қилиш орқали касалликларни эрта аниқлаш тизимини йўлга қўйиш;

сегментация усули ёрдамида bemорлар касалликларини аниқлаш;

жарроҳлик аралашувларини автоматлаштириш ва аниқлигини ошириш;

е) таълим, маданият ва туризм соҳасида:

таълим муассасаларида шахсни идентификация қилиш орқали ўқувчи ва талабалар давоматини мониторинг қилиш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш;

фанлар, мавзулар, синвлар бўйича таълим жараёнидаги камчиликларни аниқлаш, шунингдек, ўқувчиларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишини таҳлил қилиб бориш ҳамда мактаб бошқаруви самарадорлигини ошириш;

билим сифатини баҳолашни автоматлаштириш ва ўқув натижалари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

дастурлаш тиллари ва сунъий интеллектни ўрганиш имкониятларини кенгайтириш;

эрта ёшдан сунъий интеллектни тушуниш ва қизиқишини ривожланти-

риш учун ўйин (тажриба)га йўналтирилган дастурлар ва сунъий интеллект ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

юқори синф, ўрта маҳсус ҳамда профессионал таълим жараёнида келажакда зарур бўладиган асосий дастурлаш тиллари ва сунъий интеллект бўйича билимлар олиш имкониятини кенгайтириш;

туризм обьектларига, жумладан, музейлар ва бошқа маданий обьектларга келган туристларга юқори сифатли ва интерактив хизмат кўрсатиш;

ж) рақамли ҳукумат соҳасида:

ракамли давлат хизматларини кўрсатишда фойдаланувчиларни масофа-дан туриб биометрик идентификациялаш (Face-ID) бўйича сунъий интеллект технологияларини кўллаш;

соҳада нутқни аниқлаш ва синтезлаш технологиялари, «табиий тилга ишлов бериш» (LLM ҳамда NLP) каби йўналишларни ривожлантириш;

ягона интерактив давлат хизматлари порталида чат-ботлар яратиш;

кўрсатиладиган хизматларни тўлиқ автоматлаштириш ва қисқа вақт давомида сифатли хизмат кўрсатилишини йўлга қўйиш;

режалаштириш, прогнозлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш жаёнларининг самарадорлигини ошириш;

давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, уларни тақдим этишда фуқаролар учун қулайликлар яратиш;

сунъий интеллект ва «катта маълумотлар» билан ишлаш учун суперкомпьютер ва «булутли платформалар»ни ривожлантириш.

3-§. Соҳада стандартларни такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш

Миллий стандартларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида қўйидагилар амалга оширилади:

амалдаги миллий стандартларни хатловдан ўтказиш, уларни таҳлил қилиш ва халқаро стандартлар билан ўйғунлаштириш;

халқаро стандартлар асосида янги миллий стандартлар ишлаб чиқиш;

стандартлаштириш жараёнида иштирок этувчи шахслар учун тренинглар ва семинарлар ташкил этиш ҳамда халқаро стандартларга мос келадиган янги миллий стандартларни ишлаб чиқиш учун эксперт гурухларини ташкил этиш;

халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш доирасида халқаро форумлар ва конференциялар ташкил этиш;

хорижий ҳамкорлар билан инновацион технологияларни алмашиш ва уларни маҳаллий шароитларга мослаштириш учун илмий ва технологик ҳамкорлик ўрнатиш;

миллий маҳсулотлар ва хизматларнинг халқаро бозорларга чиқиши учун маҳсус платформа ва дастурлар ишлаб чиқариш;

халқаро талабларга мос келадиган маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун қуладай шароитлар яратиш.

Халқаро ташкилотлар ва соҳадаги илфор хорижий компаниялар билан

алоқалар ўрнатиш, шунингдек, миңтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида қўйидагилар амалга оширилади:

хорижий давлатлар билан илмий ва технологик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

хорижий давлатлар билан қўшма илмий-амалий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш;

қўшма семинар ва конференциялар ўтказиш орқали тажриба алмашиш;

хорижий давлатлардаги илғор сунъий интеллект технологияларни маҳаллийлаштириш;

маҳаллий компаниялар ва ташкилотларнинг ечимларини халқаро майдонда тақдим қилиб бориш ҳамда уларнинг хорижий ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш;

халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш.

4-§. Сунъий интеллект технологиялари асосида маълумотларни қайта ишлаш учун техник инфратузилмани шакллантириш

Сунъий интеллект моделларини ўқитиш, уларни синовдан ўтказиш ва ривожлантириш учун зарур инфратузилма яратиш мақсадида қўйидагилар амалга оширилади:

соҳада «булутли хизматлар»ни жорий этиш, шунингдек, маълумотлар марказлари имкониятларини кенгайтириш ва янги марказлар яратиш;

маълумотларни қайта ишлаш марказларида сунъий интеллект учун ажратилган қувватлар улушини ошириш;

сунъий интеллектни ривожлантириш учун зарур бўлган рақамли маълумотларнинг сони ва сифатини ошириш;

географик жойлашувидан қатъий назар, фуқароларнинг ахборотга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантириш ва инсон омилисиз хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш;

«булутли хисоблаш» технологиялари асосида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ривожлантириш;

сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, уларни яратиш ва ривожлантиришга қизиқиши билдирган фуқаролар учун онлайн ўқитиш платформасини ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, олий таълим муассасаларини сунъий интеллектни амалиётда қўллаш учун зарур техник ускуналар билан таъминлаш орқали тегишли инфратузилма яратиш.

Очиқ маълумотлар ва «катта маълумотлар» тўпламларини шакллантириш мақсадида қўйидагилар амалга оширилади:

«катта маълумотлар»ни сунъий интеллект асосида қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

«катта маълумотлар» билан ишлашнинг самарали усуслари ва илғор бизнес-таҳлил технологияларини жорий этиш;

маълумотларни жойлаштириш, тўплаш ва таҳлил қилишга мўлжаллан-

ган рақамли маълумотлар платформасининг доимий фаолиятини таъминлаш ва такомиллаштириб бориш;

очиқ рақамли маълумот тўпламлари сонини ошириш, уларнинг сифатлиги ва доимий равишда янгилаб борилишини таъминлаш;

давлат муассасаларидағи мавжуд рақамли маълумотларнинг очиқлик даражасини ошириш ҳамда Очиқ маълумотлар порталига интеграциясини таъминлаш;

ўзбек тили, овоз, видео, мулоқот ва бошқа умумий мақсадли маълумотларни таҳлил қилиш каби маҳсус соҳаларда маълумот тўпламларини шакллантириш.

5-§. Аҳолининг билим ва қўникмаларини ошириш, кадрлар салоҳиятини ривожлантириш

Сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича аҳолининг билим ва қўникмаларини ошириб бориш мақсадида қўйидагилар амалга оширилади:

ёшлар орасида сунъий интеллект технологияларини оммалаштириш, шунингдек, аҳолининг барча қатламлари орасида рақамли технологиялардан фойдаланиш қўникмаларини ривожлантириш;

масофавий ҳамда онлайн ўқитиш технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш учун онлайн курслар ишлаб чиқиш;

иктисодиётнинг реал секторида сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш, янги ютуқлар муҳокамаси бўйича тадбирлар (форумлар, семинарлар, конференциялар ва бошқалар) ҳамда танловлар (хакатон, мусобақалар ва бошқалар) ўтказиш;

соҳада фаолият юритувчи ташкилотларни умумий ва касбий таълимни ривожлантиришга қаратилган тадбирларда иштирок этиш учун жалб қилиш;

ўқувчилар ва талабалар ўртасида уларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар сонини қўпайтириш;

аҳолининг сунъий интеллект ва ундан фойдаланиш бўйича билим ва қўникмаларга эга бўлишига қаратилган чоралар кўриш мақсадида иш берувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларида рақамлаштириш учун масъул ходимларнинг сунъий интеллект бўйича билим ва қўникмаларини доимий равишда ошириб бориш;

аҳоли ва ташкилотларга сунъий интеллект асосида ишлаб чиқилган технологик ечимлардан фойдаланишнинг афзалликлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурлари тўғрисида маълумот бериш;

рақамли технологияларга ихтисослаштирилган хусусий ташкилотлар, давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари ходимлари учун ихтисослаштирилган сунъий интеллектни ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва ўкув жараёнларини йўлга қўйиш.

Малакали кадрлар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш, ушбу жараёнга хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда ўқитувчи ва профес-

сорларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида қўйидагилар амалга оширилади:

соҳада кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида «буюмлар интернети», робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар ташкил этиш ҳамда уларни замонавий техник воситалар билан таъминлаш учун грантлар ажратиш;

соҳада юқори малакали кадрлар захирасини шакллантириш учун умумтаълим мактаблари ўкувчиларига дастурлашни ўргатиш бўйича зарур шароитлар яратиш;

олий таълим муассасаларида хорижий профессор-ўқитувчилар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қиласан ҳолда сунъий интеллект йўналиши бўйича бепул онлайн курслар ташкил этиш;

сунъий интеллект йўналишида кадрлар тайёрловчи олий таълим ташкилотлари битирувчилари сонини ошириш;

математика, мантиқ, ментал арифметика каби фанларни чуқурлаштириб ўргатиш, шунингдек, дастурлаш тилларини ўқитиш орқали ўкувчи ва талабаларнинг сунъий интеллект соҳасидаги билимларини ўрта даражага етказиш;

иқтидорли мутахассисларни тайёрлаш, қўллаб-қувватлаш ва улар эришган ютуқларни тарғиб қилиш, уларнинг ривожланишига имконият яратиш;

халқаро йирик компаниялар билан ҳамкорликда сунъий интеллект йўналишидаги кадрлар малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

кадрлар алмашинуви ва ўзаро тажриба алмасиши жараёнларини ташкил қилиш, илмий ташкилотлар ва хусусий сектор ҳамкорлигига қўшма тадқиқотлар ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

олиб борилаётган қўшма тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг жамиятнинг реал эҳтиёжлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш.

4-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қўйидаги натижаларга эришиш режалаштирилган:

а) биринчи мақсадга эришиш доирасида:

сунъий интеллектга доир муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик хужжатлари, халқаро ва маҳаллий стандартлар ҳамда уларни амалга ошириш механизmlарини ўз ичига олган норматив-хуқуқий база шакллантирилади;

маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш марказларида «булутли технологиялар» хизматларида маълумотларнинг яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлаш асослари яратилади;

сунъий интеллект технологиялари соҳасида институционал бошқарув шакллантирилади;

сунъий интеллект технологиялари бўйича этика қоидалари ишлаб чиқилади;

б) иккинчи мақсадга эришиш доирасида:

ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологиялари кенг жорий этилади;

корхона ва ташкилотларда иш жараёнларини автоматлаштириш орқали вакт ва ресурслардан самарали фойдаланилади;

реал вактда маълумотларни таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқариш жараёнларини доимий равишда кузатиш ҳамда тезкор қарорлар қабул қилиш имконияти яратилади;

сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш орқали харажатлар камайтирилади;

сунъий интеллект технологиялари ёрдамида ишлаб чиқариш ускуналари ни мониторинг қилиш ва уларнинг техник ҳолатини прогноз қилиш орқали уларнинг хизмат муддати узайтирилади;

маълумотлар таҳлили ёрдамида маҳсулот ва хизматлар сифати назорат қилинади ва доимий равишда яхшиланади;

янги технологиялар ёрдамида маҳсулотларнинг сифати, уларнинг кўшилган қиймати ошади ва рақобатбардошлиги таъминланади;

в) учинчи мақсадга эришиш доирасида:

маҳаллий стандартларни халқаро стандартларга мослаштириш орқали соҳада мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги интеграцияси кучайтирилади;

маҳаллий стандартларни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш орқали хорижий инвесторлар ва компанияларнинг маҳаллий иқтисодиётга инвестиция киритишга қизиқиши ортади;

халқаро стандартларни татбиқ этиш орқали маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг сифати ҳамда рақобатбардошлиги оширилади ва экспорт бозорларига кириш жараёни соддалаштирилади;

инновацион лойихалар ва стартаплар учун қўшимча молиявий манбаларни жалб қилиш имконияти яратилади;

г) тўртинчи мақсадга эришиш доирасида:

сунъий интеллект инфратузилмаси юқори тезликдаги ҳисоблаш кувватлари билан таъминланади;

маълумотларни қайта ишлаш тезлиги ва самарадорлиги сезиларли даражада ортади;

соҳага ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасалари зарур замонавий моддий-техник база билан таъминланади;

сунъий интеллект алгоритмларидан фойдаланиш учун зарур рақамли маълумотлар тўплами шакллантирилади ҳамда уларнинг сони ва сифати доимий равишда янгилаб борилади;

«катта маълумотлар»нинг сақланиши, ишлов берилиши ва доимий ҳимояланиши таъминланади;

содда ва доимий вазифаларни автоматлаштириш орқали иш юклamasи камайтирилади;

сунъий интеллект инфратузилмаси асосида «катта маълумотлар» ёрдамида моделлар ва алгоритмларни яратиш имконияти йўлга қўйилади;

прогноз қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнларида алгоритмлар аниқлиги ошади;

машинавий ўқитиш моделлари ва чуқур ўрганиш платформаларини сама-
рали ишга тушириш имконияти яратилади;

д) бешинчи мақсадга эришиш доирасида:

олий таълим муассасаларида сунъий интеллект бўйича малакали мута-
хассислар тайёрланади ва ушбу йўналишдаги битирувчилар сони ошади;

сунъий интеллект, робототехника ва бошқа устувор йўналишлар бўйича
таълим берувчи ўқув марказлари сони ортади;

сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи ИТ-компаниялар сони
ортади ҳамда сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва
кўрсатилган хизматларнинг ҳажми ошади;

соҳадаги илмий даражага эга мутахассислар сони ортади;

илмий ходимлар (тадқиқотчилар) фаолиятига (илмий нашрлардан ташқа-
ри) янги мезонларни кўллаш орқали уларни баҳолаш самарадорлиги ошири-
лади;

аҳоли кенг қатлами сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш
бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлади;

сунъий интеллектни қўллаган ҳолда кўрсатиладиган рақамли давлат хиз-
матлари улуши ва уларнинг шаффоғлиги оширилади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI SOLIQ QO'MITASINING
QARORI

368 “Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga qo‘sishchalar kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
14-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3221-6*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 12-maydag'i PQ-157-son “Tabiiy gaz va suyuq uglevodorodni qazib chiqarish, qayta ishslash hamda realizatsiya qilish hisobini yuritish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo'mitasi **qaror qiladi**:

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo'mitasining 2020-yil 28-yanvardagi 2020-03-sон “Soliq hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qaroriga (ro'yxat raqami 3221, 2020-yil 24-fevral) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 24.02.2020-y., 10/20/3221/0203-sон) ilovaga** muvofiq qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligi hamda Energetika vazirligi bilan kelishilgan.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Rais

Sh. KUDBIYEV

Toshkent sh.,
2024-yil 26-sentabr,
2024-20-sон

Kelishildi:

Iqtisodiyot va moliya vaziri

D. KUCHKAROV

2024-yil 19-sentabr

Energetika vaziri

J. MIRZAMAHMUDOV

2024-yil 11-sentabr

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 15-oktabrda e'lon qilingan.

** Ilova «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI,
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI,
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
 KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA
 BANDLIK VAZIRLIGINING
 QARORI

369 Tibbiyot muassasalari rahbar xodimlarining mehnatiga haq to'lashda ularni turlarga ajratish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida*

O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 14-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3560

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 21-dekabrdagi 276-sон “Tibbiyot xodimlari mehnatiga haq to'lashning takomillashtirilgan tizimini tasdiqlash to'g'risida”gi va 2024-yil 10-oktabrdagi 661-sон “O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Tibbiyot xodimlari mehnatiga haq to'lashning takomillashtirilgan tizimini tasdiqlash to'g'risida” 2005-yil 21-dekabrdagi 276-sон qaroriga o'zgartirish kiritish haqida”gi qarorlariga muvofiq, O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi, Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi hamda Iqtisodiyot va moliya vazirligi **qaror qiladi**:

1. Tibbiyot muassasalarini turlarga ajratish va uning rahbar xodimlari mehnatiga haq to'lash razryadlari va tarif koeffitsiyentlarini belgilash to'g'risidagi nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi, Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi hamda Moliya vazirligining 2005-yil 31-dekabrdagi 06-3/439, 11/5112 va 108-sон “Tibbiyot muassasalari rahbar xodimlarining mehnatiga haq to'lashda sog'liqni saqlash muassasalarini turlarga ajratish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (ro'yxat raqami 1538, 2006-yil 14-yanvar) (O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2006-yil, 3-sон, 16-modda) o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.

3. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Sog'liqni saqlash vaziri

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
 2024-yil 11-sentabr,
 775-sон

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 15-oktabrda e'lon qilingan.

Iqtisodiyot va moliya vaziri**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2024-yil 4-sentabr,
171-son

**Kambag‘allikni qisqartirish
va bandlik vaziri****B. MUSAYEV**

Toshkent sh.,
2024-yil 26-avgust,
08/513-son

O‘zbekiston Respublikasi
Sog‘lijni saqlash vazirligining 2024-yil
11-sentabrdagi 775-son, Iqtisodiyot va moliya
vazirligining 2024-yil 4-sentabrdagi 171-son,
Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining
2024-yil 26-avgustdagi 08/513-son qaroriga
ILOVA

**Tibbiyot muassasalarini turlarga ajratish va uning rahbar
xodimlari mehnatiga haq to‘lash razryadlari va tarif
koeffitsiyentlarini belgilash to‘g‘risidagi nizomni
tasdiqlash haqidagi
NIZOM**

Mazkur Nizom tibbiyot muassasalari rahbarlari, ularning o‘rinbosarlari hamda bosh tibbiyot hamshiralaringin (bundan buyon matnda rahbar xodimlar deb yuritiladi) mehnatiga haq to‘lash razryadlari va tarif koeffitsiyentlarini hamda tibbiyot muassasalarini turlarga ajratish tartibini belgilaydi.

1-bob. Umumiy qoidalar

1. Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 21-dekabrdagi 276-son qarori bilan tasdiqlangan O‘zbekiston Respublikasi davlat muassasalari tibbiyot va farmatsevtika xodimlari mehnatiga haq to‘lash tartibi va shartlari to‘g‘risidagi nizomning 1-ilovasida ko‘rsatilgan tibbiy muassasalar rahbarlari, ularning o‘rinbosarlari hamda bosh tibbiy hamshiralariiga tatbiq etiladi.

2. Mazkur Nizom O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2003-yil 26-fevraldagi PF-3214-son “Sog‘lijni saqlash tizimini yanada isloh qilish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni bilan tashkil etilgan respublika ixtisoslashtirilgan tibbiyot markazlariga hamda 2025-yil 1-iyuldan boshlab davlat tibbiy sug‘urtasi mexanizmlari joriy qilingan tibbiyot muassasalariga qo‘llanilmaydi.

2-bob. Tibbiyot muassasalari turlarini aniqlash tartibi

3. Rahbar xodimlar mehnatiga haq to‘lash bo‘yicha tibbiyot muassasalari turlari ular bevosita bo‘ysunadigan davlat organlari tomonidan statsionar muassasalar uchun to‘liq davolangan bemorlar sonidan, ambulatoriya-poliklinika muassasalari va sog‘liqni saqlashning boshqa muassasalari uchun xizmat ko‘rsatiladigan aholi sonidan kelib chiqadigan ko‘rsatkichlar bo‘yicha aniqlanadi.

4. Tarkibida ambulatoriya-poliklinika bo‘linmalari yoki statsionarlari bo‘lgan dispanserlari mavjud davolash-profilaktika muassasalari rahbarlari mehnatiga haq to‘lash bir tur yuqori muassasalar turiga tegishli bo‘ladi.

5. Sog‘liqni saqlash boshqaruvi organi funksiyalari yuklangan markaziy, tuman (shahar) tibbiyot birlashmalari bir tur yuqori muassasalar turiga tegishli bo‘ladi.

3-bob. Rahbar xodimlarning mehnatiga haq to‘lash bo‘yicha razryad va tarif koeffitsiyentlari

6. Tibbiyot muassasalari rahbarlariga, muassasalarning turidan kelib chiqib, mehnatga haq to‘lash bo‘yicha quyidagi razryad va tarif koeffitsiyentlari belgilanadi:

Muassasalar turi	Razryadi	Tarif koeffitsiyenti
IV — tur	8	3,137
III — tur	9	3,482
II — tur	10	3,866
I — tur	11	4,252

7. Tibbiyot muassasalari davolash ishlari bo‘yicha rahbar o‘rnibosarlariga, muassasalarning turidan kelib chiqib, mehnatga haq to‘lash bo‘yicha quyidagi razryad va tarif koeffitsiyentlari belgilanadi:

Muassasalar turi	Razryadi	Tarif koeffitsiyenti
IV — tur	7	2,827
III — tur	8	3,137
II — tur	9	3,482
I — tur	10	3,866

8. Tibbiyot muassasalari bosh hamshiralari uchun, muassasalarning turidan kelib chiqib, mehnatga haq to‘lash bo‘yicha quyidagi razryad va tarif koeffitsiyentlari o‘rnatalidi:

Muassasalar turi	Razryadi	Tarif koeffitsiyenti
IV — tur	5	2,336
III — tur	6	2,570
II — tur	7	2,827

I — tur	8	3,137
---------	---	-------

9. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2005-yil 21-dekabrdagi 276-son qarori bilan tasdiqlangan O'zbekiston Respublikasi davlat muassasalari tibbiyot va farmatsevtika xodimlari mehnatiga haq to'lash tartibi to'g'risidagi nizomda belgilangan talablariga muvofiq, rahbar xodimlarga tarif stavkalari miqdorini belgilash vaqtida muassasalar guruhiga qarab tuzatish koeffitsiyentlari qo'llaniladi.

4-bob. Rahbar xodimlar mehnatiga haq to'lash bo'yicha muassasalar turlari

10. Rahbar xodimlarga ish haqi to'lashda tibbiyot muassasalari mazkur Nizomning ilovasiga muvofiq turlarga bo'linadi.

11. Tibbiyot muassasalarining mazkur Nizomda nazarda tutilmagan rahbarlariga faoliyat ixtisosiga ko'ra muassasalarning IV turi rahbari sifatida ta'rif belgilanadi.

Tibbijot muassasalarini turlarga airtatish va uning rahbar xodimlari mehnatiqa haq to'lash raziyadlari va tarif koeffitsiyentlari to'grisidagi nizomga
ILLOVA

Ambulatoriya-poliklinika muassasalari, sanitariya-epidemiologiya xizmati va boshqa muassasalar
(xizmat ko'rsatiladigan aholi sonidan kelib chiqib, ming kishi)

Т/р	Muassasaning nomi	Muassasa turlari			
		I	II	III	IV
1.	Ko'p tarmoqli markaziy poliklinika, oilaviy poliklinika va oilaviy shifokorlik punktlari va ularning filiallari (bolalar poliklinikasidan tashqari)	40,0 va undan ortiq	30,0 dan, 40 gacha	20,0 dan, 30,0 gacha	20,0 gacha
2.	Shahar va tuman tibbiyot birlashmlari	250,0 va undan ortiq	200,0 dan, 250,0 gacha	150,0 dan, 200,0 gacha	150,0 gacha
3.	Bolalar (stomatologiya) poliklinikalari	25,0 va undan ortiq	20,0 dan, 25,0 gacha	15,0 dan, 20,0 gacha	15,0 gacha
4.	Skrining-markazlari, statSIONARGA ega bo'limagan ixtisoslashtirilgan (endokrinologiya, sil, teri-tanosi) dispanserlari	3000,0 va undan ortiq	2000,0 dan, 3000,0 gacha	1500,0 dan, 2000,0 gacha	1500,0 gacha
5.	Aholining sog'iom turmush tarzini qo'llab-quvvatlash va jismoniylar faoliygini oshirish markazi hamda uning hududiy filiallari	2000,0 va undan ortiq	1500,0 dan, 2000,0 gacha	1000,0 dan, 1500,0 gacha	1000,0 gacha
6.	Sanitariya-epidemiologiya xizmati muassasalari (respublika, viloyat, shahar va tuman sanitariya-epidemiologiya nazorati markazlari, karantinli va alohiida xavfli yuqumli kasalliliklar profilaktikasi markazi va uning filiallari, dezinfeksiya stansiyalari)	2000,0 va undan ortiq	5000,0 dan, 2000,0 gacha	500,0 dan, 1000,0 gacha	500,0 gacha

Umumiy ixtisoslik stasionar tibbiyot muassasalarini va boshqa muassasalar
 (to'liq davolangan bermorlar sonidan kelib chiqib, ming kishi)

7.	Respublika, viloyat, shahar kasalxonalarini, ilmiy-tekshirish institutlari, bolalar uylarining klinikalarini, Ikkinchchi jahon urushi qatnashchilari va nogrironlari uchun hospitallar	15,0 va undan ortiq	9,0 dan, 15 gacha	4,5 dan, 9,0 gacha	4,5 gacha
8.	Shahar va tuman tibbiyot birlashmalarini	8,0 va undan ortiq	5,0 dan, 8,0 gacha	2,5 dan, 5,0 gacha	2,5 gacha
9.	Respublika (viloyat, shahar) perinatal markazi, tug'ruqxonalar (yuridik maqomga ega bo'lganlari) tug'ruq majmualari	9,0 va undan ortiq	7,0 dan, 9,0 gacha	5,0 dan, 7,0 gacha	5,0 gacha
10.	Bolalar reabilitatsiya sihatgohlarini	14,0 va undan ortiq	9,0 dan, 14,0 gacha	4,0 dan, 9,0 gacha	4,0 gacha

Qon quyish stansiyalari
 (qon tayyorlash va qayta ishlash hajmidan kelib chiqib, bir yilda ming kishi)

11.	Qon quyish stansiyalari	7,0 va undan ortiq	5,0 dan, 7,0 gacha	3,0 dan, 5,0 gacha	3,0 gacha
-----	-------------------------	--------------------	--------------------	--------------------	-----------

Boshqa sog'liqni saqlash muassasalarini
 (xizmat ko'rsatiluvchi aholi sonidan kelib chiqib, ming kishi)

12.	Respublika (hududiy) sud tibbiyot eksperitizasi byurosi	2000,0 va undan ortiq	1500,0 dan, 2000,0 gacha	1000,0 dan, 1500,0 gacha	1000,0 gacha
13.	Patologoanatomik markaz va uning viloyatlardagi byurolari	2000,0 va undan ortiq	1500,0 dan, 2000,0 gacha	1000,0 dan, 1500,0 gacha	1000,0 gacha

Ixtisoslashtirilgan statcionar muassasalar
 (to'liq davolangan bemorlar sonidan kelib chiqib, ming kishi)

14.	Ixtisoslashtirilgan shifoxonalar, klinikalar, dispanserlar va markazlari:				
14.1	Sil shifoxonalar (katta yoshdagilar va bolalar kasalxonalar)	1,4 va undan ortiq	0,9 dan, 1,4 gacha	0,4 dan, 0,9 gacha	0,4 gacha
14.2	Sil Kasalligi sihatgohlari (katta yoshdagilar va bolalar uchun)	5,0 va undan ortiq	3,5 dan, 5,0 gacha	1,5 dan, 3,5 gacha	1,5 gacha
14.3	Yuqumli kasalliklar (katta yoshdagilar va bolalar uchun), onkologik, teri-tanosil, endokrinologiya	7,0 va undan ortiq	4,0 dan, 7,0 gacha	2,0 dan, 4,0 gacha	2,0 gacha
14.4	Psixiatrik, psixonevrologik (katta yoshdagilar va bolalar uchun), narkologik kasalxonalar	5,0 va undan ortiq	4,0 dan, 5,0 gacha	2,0 dan, 4,0 gacha	2,0 gacha
15.	Neyroxirurgiya, onkologiya (shu jumladan), allergologiya, suyak-yirinngi jarrohlik va yirinngi jarrohlik, jarohattari qibatlari va qandli diabet kasalligining jarrohlik asosatlari, bolalar ortopediyasi respublika tibbiyot markazlari	11,0 va undan ortiq	7,0 dan, 11,0 gacha	3,0 dan, 7,0 gacha	3,0 gacha
16.	Sil, epidemiologiya va yuqumli kasalliklar, virusologiya, endokrinologiya va parazitologiya ilmiy-tekshirish institutlari	7,0 va undan ortiq	4,0 dan, 7,0 gacha	2,0 dan, 4,0 gacha	2,0 gacha
17.	Bolalar shifoxonalar	15,0 va undan ortiq	9,0 dan, 15,0 gacha	4,5 dan, 9,0 gacha	4,5 gacha

OITS markazi
 (xizmat ko'rsatiladigan aholi sonidan kelib chiqib, ming kishi)

18.	OITS markazi va uning filiallari	2000,0 va undan ortiq	1500,0 dan, 2000,0 gacha	1000,0 dan, 1500,0 gacha	1000,0 gacha
-----	----------------------------------	--------------------------	-----------------------------	-----------------------------	--------------

Shoshilinch va tez yordam markazlari

(to'liq davolangan bemonlar sonidan kelib chiqib, ming kishi)

19.	Respublika shoshilinch tibbiy yordam ihmiy markazi va uning filiallari	15,0 va undan ortiq	9,0 dan, 15,0 gacha	4,5 dan, 9,0 gacha	4,5 gacha
-----	---	------------------------	---------------------	--------------------	-----------

Respublika tez tibbiy yordam markazi va uning hududiy filiallari

(bir yilda joylarga chiqish sonidan kelib chiqib, ming kishi)

20.	Respublika tez tibbiy yordam markazi va uning hududiy filiallari	75,0 va undan ortiq	50,0 dan, 75,0 gacha	25,0 dan, 50,0 gacha	25,0 gacha
-----	---	------------------------	-------------------------	-------------------------	------------

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

370 Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раками 2930-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 6 майдаги ЎРҚ-838-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва 2023 йил 4 октябрдаги ЎРҚ-870-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига соғлиқни сақлаш органлари фаолияти хақида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 июндаги 334-сон «Маҳаллалар фаолиятини тартибга солишга доир норматив-хуқукий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сон буйруфи (рўйхат раками 2930, 2017 йил 13 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1021-модда) билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшлиши тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2024 йил 17 сентябрь,
460-сон

П. БОБОЖНОВ

Келишилди:

Раиснинг биринчи ўринbosари

Ж. ИНАГАМОВ

2024 йил 12 сентябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2024 йил
17 сентябрдаги 460-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика
инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшлиши
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартришлар**

1. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшлиши фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, таълим муассасалари, оиласий поликлиникалар, оиласий шифокор пунктлари вакиллари, фуқаролар йиғинидаги хонадонларда, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли, ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари иштирокида амалга оширилади.».

2. 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшлиши бўйича ўткази-
ладиган йиғин фуқаролар йиғини раиси томонидан олиб борилади. Йиғин баённомаси фуқаролар йиғини раиси, фуқаролар йиғини масъул котиби,
ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари
томонидан имзоланади.».

3. 7-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Профилактика инспекторлари қўйидаги асосий йўналишлар бўйича
ҳисбот беради:

маҳаллада ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсиз муҳитни таъминлаш;

маҳалла ҳудудидаги криминоген вазиятни мунтазам равишда ўрганиб бориш, ҳукуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича қонунчиликда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли, айниқса, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳукуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

тазайқ ва зўравонликдан жабрланган фуқароларга химоя ордерини бериш ва назоратни ўрнатиш;

вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик foяларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш;

бириктирилган ҳудудида паспорт режими қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш;

пробация ҳисобида турган шахсларни хулқ-атворини назорат қилиш, ўрнатилган чекловларга риоя этишини текшириш, шунингдек, янги жиноят содир этишининг олдини олишда пробация инспекторларига кўмаклашиш;

узок муддатга кетган шахслар ҳисобини юритиш, уларнинг қариндошли-
ри билан ишлаш, узок муддат мобайнода чет элда бўлиб қайтган шахслар
билан профилактик ишларни амалга ошириш.».

4. 10-банддан «(оқсоқол)» деган сўз чиқаруб ташлансан.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG'I

371 Tranzit deklaratsiyasini to'ldirish, rasmiylashtirish, unga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish, uni qaytarib olish hamda bekor qilish tartibi to'g'risidagi nizomga o'zgartirishlar kiritish haqida

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
18-oktabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3382-1*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 1-iyuldagji 371-son "Texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi davlat boshqaruvi takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasi Hukumatining ayrim qarorlariga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. O'zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo'mitasining 2022-yil 22-iyuldagji 12/02-22-22-son qarori (ro'yxat raqami 3382, 2022-yil 31-avgust) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 31.08.2022-y., 10/22/3382/0796-son) bilan tasdiqlangan Tranzit deklaratsiyasini to'ldirish, rasmiylashtirish, unga o'zgartirish va qo'shimcha kiritish, uni qaytarib olish hamda bekor qilish tartibi to'g'risidagi nizomning 27-bandi 2-kichik bandi hamda 42-bandi 2-kichik bandidagi "davlat standartlari" degan so'zlar "milliy standartlari" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

Toshkent sh.,
2024-yil 14-oktabr,
183-son

D. KUCHKAROV

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Soliq qo‘mitasining 2024-yil 26-sentabrdagi 2024-20-son “Solik hisobotining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorga qo‘srimchalar kiritish haqida”gi qarori.

2024-yil 14-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3221-6.

2. O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligining 2024-yil 11-sentabrdagi 775-son, Iqtisodiyot va moliya vazirligining 2024-yil 4-sentabrdagi 171-son, Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligining 2024-yil 26-avgustdagi 08/513-son “Tibbiyot muassasalari rahbar xodimlarining mehnatiga haq to‘lashda ularni turlarga ajratish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori.

2024-yil 14-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3560.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 17 сенябрдаги 460-сон “Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшлиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида”ги буйруфи.

2024 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2930-1.

4. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2024-yil 14-oktabrdagi 183-son “Tranzit deklaratsiyasini to‘ldirish, rasmiylashtirish, unga o‘zgartirish va qo‘srimcha kiritish, uni qaytarib olish hamda bekor qilish tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida”gi buyrug‘i.

2024-yil 18-oktabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3382-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/439, 11/5112 ва 108-сон “Тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги қарори (рўйхат рақами 1538, 2006 йил 14 январь).

2024 йил 14 октябрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

